*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 100 (9086). • 1987 йил 28 май • пайшанба

Баҳоси 3 тийин.

## ДЕПУТАТГА БОШ НАКАЗ

**21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ**

ТОШКЕНТ область совети депутатлигига номзод А. Назарқулов ўз сайловчилари билан учрашувга отланар экан, ҳамкишлоқларининг юзлаб саволларига жавоб беришга тайёр эди. «Гулистон» колхози бундан бир ой илгари қаттиқ жала қўйиши оқибатида рўй берган сув тошқинидан катта талафот кўрди. 60 та уй батамом вайрон бўлди, 120 та уйга эса шу қадар зиён етдики, уларни дурустроқ ремонт қилмасдан ичига кириб бўлмайди. Умуман хўжалик 3 миллион сўмликдан кўпроқ зиён кўрди.

Номзодлар кўрсатилаётганида одамлар уч кишининг номини тилга олдилар. Булар орасида ўн иккинчи бригада аъзоси Бусулма Эшметова, ем-хашак бригадасидан Имомхон Ғуломов ва пахтачилик бригадасининг бошлиғи Абдуғани Назарқулов бор эди. Нотиқлар бундан аввалги чақириқ область советининг депутати сифатида Назарқулов халқнинг ишончини оқлади, дейишганида Абдуғани хурсанд бўлди, албатта. Сув тошқини вақтида эса у аввало ўзи ва оиласини эмас, балки ҳамкишлоқларини ўйлади. Томоғи қирилгунча одамларни уйдан чиқиб кетишга қўндирган бўлса, кейинчалик болалар ва қарияларни даст кўтариб автобусларга олиб чиқди... Кўпчилик овоз билан у депутатликка номзод этиб рўйхатга олинди.

А. Назарқулов партия ва ҳукуматимиз табиий офат оқибатидан азият чеккан кишиларга катта мадад берганлигини айтди. Ҳозирча вагонларда ва қариндош-уруғлари уйида яшаётган кишилар яқин орада янги уйларга кўчиб кирадилар. Янги посёлка қурилиши учун ҳозирдаёқ 52 гектар ер ажратилди. Канализацияси, марказий иситиш қурилмалари бўлган, газ, водопровод, электр туширилган 200 та уй қурилади. Посёлка марказида 320 ўринли болалар боғчаси, мактаб, клуб бинолари, посёлка Советининг янги биноси қад кўтаради. Янги посёлкани «Дўстлик» посёлкаси, деб аташмоқчи. Уни Тошкент, Ангрен, Чирчиқ ва Олмалиқ сингари қурилиш индустрияси тараққий этган шаҳарларнинг меҳнаткашлари қурадилар. Шу йилнинг биринчи сентябрига қадар оилалар янги уйларга кўчиб кирадилар.

Шундан кейин Абдуғани Назақулов саволларга жавоб қайтарди. Кўп саволлар тушди. Учрашувда охирги сўзни колхозчи Баҳодир Ҳайдаров олди. Тошкин вақтида унинг уйи вайрон бўлиб кетди, 22 кишилик оила ҳозир 3 та вагончада яшамоқда.

— Сенга бу ерда кўп наказлар беришди: қурилиш муддатлари ҳақида ҳам, сифат тўғрисида ҳам айтишди. Ҳамма ишлар виждонан бажарилсин. ҳозирги ибора билан айтганимизда, соцнал адолат бўлсин, дейишди. Лекин сенга берадиган бош наказимиз бор. Ишга бўлган ҳозиргидек қайноқ меҳринг сира совимасин. Бир нарсадан чўчишинг керак —одамларга яхшилик қилишдан сира кечикиб қолма.

**Т. ДОҒЖИ,**
**(ЎзТАГ мухбири).**

## ҚАЙТА ҚУРИШ ЖАРЧИЛАРИ БЎЛАЙЛИК

Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг 27 май куни Катта Кремль саройида очилган IX съезди делегатлари ўтган беш йилликдаги фаолият якунларини замон позицияларида туриб, қатъий талабчанлик билан муҳокама қилмоқдалар, тарғибот-маърифат ишларини янада такомиллаштириш йўлларини белгилаб олмоқдалар.

Президиумда **В. И. Воротников, М. С. Соломенцев, П. Н. Демичев, А. Н. Яковлев, Г. П. Разумовский** ўртоқлар, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг вакиллари, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг, иттифоқдош республикалар «Билим» жамиятлари правлениеларининг раҳбарлари, таниқли олимлар ўтиришибди. Қардош социалистик мамлакатлар сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳам шу ерда.

Жамият правлениесининг раиси, таниқли олим, Ленин ва Нобель мукофотининг лауреати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Н. Г. Басов доклад қилди.

**(ТАСС).**

## ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 26 май. (ТАСС). Учувчи бошқарадиган орбитал «Мир» комплекси ичида Юрий Романенко ва Александр Лавейкиннинг космик вахтаси давом этмоқда.

Экипажнинг бугунги кун тартибида геофизика тадқиқотлари, «Прогресс-30» автомат транспорт кемасининг юкини бўшатиш, станция ичидаги айрим системаларга регламент бўйича профилактик хизмат кўрсатиш кўзда тутилган.

Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ҳамда атроф муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ космонавтлар бир қанча экспериментларни ўтказмоқдалар. Ана шу экспериментлардан кузатилган мақсад — тор спектр зоналарида ҳар хил табиий объектлар тўғрисида фотоинформация олишдир.

«Квант» модулига ўрнатилган гироскопик куч стабилизаторлари ёрдамида орбитал комплекс ҳаракатини бошқариш методларини пишиқтириш давом этмоқда. Ана шу стабилизаторлардан фойдаланиш комплексни бирлашган мотор қурилмасидаги ёқилғини анча тежаган ҳолда мўлжал олдириш ва барқарор қилиш имконини беради.

Телеметрик ахборот маълумотлари ва экипажнинг докладларига кўра учиш нормал ўтмоқда.

Юрий Романенко билан Александр Лавейкин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

## ПИЛЛА — ДАВЛАТГА

### Қизғин давом этмоқда

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда Бўка райони пиллакорлари 3550 қути қурт уруғини парваришлаб, 170 тонна «кумуш тола» етиштиришга аҳд қилишган. Районнинг барча хўжаликлари бу мавсумга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдилар.

Шу туфайли, район хўжаликларида пилла боқиш мавсуми уюшқоқлик билан ўтказилди.

Айни кунларда район пилла қабул қилиш пунктига дастлабки ҳосил келтирила бошланди. Жумладан, Карл Маркс номли колхоз аъзоси Турғун Сулаймонов бир қути қурт уруғидан 67 килограмм пилла топширди. «Кремль» совхозидан Абдулла Умаров эса 0,5 қути пилла қуртидан 46 килограмм ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Айни пайтда районда пилла топшириш қизғин давом этяпти.


### «Кумуш тола» хирмони


**ОҚҚЎРҒОН. (Телефон орқали олинди).** Райондаги «Коммунизм» колхозида қурт боқиш мавсумига бу йил катта тайёргарлик билан киришилди. Тут плантациялари ўз вақтида озиқлантирилиб, суғорилди. Шу туфайли пилла қурти озуқаси — барг тақчиллиги сезилмади.

Айниқса, хўжаликнинг Саҳодат Ғаниева бошлиқ звеноси аъзолари мазкур тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишди. Улар уч қути қурт уруғини парваришлаб, яхши натижага эришдилар. Пиллакорлар районда биринчилардан бўлиб, 183 килограмм «кумуш тола» топшириб, зиммаларига олган мажбуриятларини адо этишди.

Шунингдек, колхознинг Т. Эргашева, Ҳ. Тўраҳўжаева, А. Бекмуродова сингари моҳир пиллакорлари ҳам қабул пунктларига ҳосил жўната бошлашди.

**Ғ. ҲУСНИДДИНОВ.**







● ЯНГИЙЎЛ районидаги «СССР 60 йиллиги» колхози меҳнаткашлари давлатга пилла топширишни жадал суръатларда олиб бормоқдалар. Бу ишда хўжаликдаги мавжуд ўн бир бригада аъзолари актив иштирок этишмоқда. И. Исроилов, М. Абдураҳмонов, Д. Усмонов ўртоқлар бошлиқ коллективлар, айниқса, баракали ҳосил етиштирдилар. Суратларда: (чапда) хўжаликнинг илғор пиллакори Розия опа Исмоилова; янги пилла ҳосили; Гулнора Сафарова ва Инобат Аъзамовалар эришган муваффақиятлар ҳам чакки эмас. Улар 1,5 қути қурт уруғи боқиб, шу кунга қадар 100 килограмм хом ашё топширишди. Мавсум охиригача эса бу кўрсаткични 125 килограммга етказишни мўлжаллашяпти.

А. Зуфаров фотолари.

## М. С. Горбачев Н. Чаушеску билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 25—26 май кунлари Бухарестда РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан учрашди, бу учрашувлар чоғида социалистик қурилишнинг, икки томонлама муносабатнинг ва жаҳон сиёсатининг актуал проблемалари юзасидан батафсил фикрлашиб олинди.

М. С. Горбачев социализм йўлида жуда кўп мураккабликлар бўлганлигига қарамай, у кенг тарихий жабҳада ўзининг бунёдкорлик имкониятларини кўрсатганлигини таъкидлади. Сиёсий нуқтаи назардан қараганда пировард натижа муҳимдир. Биз социализмнинг улкан тарихий ғалабаларини қайд этишга ҳақлимиз. Шу билан бирга ҳозирги шароитда мамлакатимиз олдида қадамни кескин жадаллаштириш, ўз социал-иқтисодий тараққиётимизга жўшқинлик бағишлаш вазифаси пайдо бўлди. Совет раҳбари КПССнинг Совет жамиятини қайта қуриш, аввало жамият бутун ҳаётини чуқур демократиялаш асосида қайта қуриш кўрсатмалари қандай амалга ошираётганлигини батафсил сўзлаб берди.

Н. Чаушеску партиянинг РКП XIII съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга қаратилган ишларининг асосий йўналишлари ҳақида ахборот берди. Ишлаб чиқаришни модернизациялашга, хўжалик юритишнинг янги методларини қўлланишга, РКП раҳбарлик ролини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор берилмоқда. У иқтисодий алмашув, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштиришдаги муайян қолоқликни яқин йилларда бартараф этиш зарурлигини таъкидлади.

Икки партия раҳбарлари Совет-Руминия муносабатларини чуқурлаштиришнинг принципиал масалаларини муҳокама қилдилар. Бу муносабатлар юқори даражага етганлиги қайд этилди. Бироқ янги вазифалар Совет-Руминия алоқаларининг бутун системасини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни талаб қилмоқда. Бунинг учун сиёсий, иқтисодий. илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳалардаги мавжуд имкониятларни ишга солиш муҳимдир. СССР билан РСР ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг узоқ муддатли программасини амалга ошириш, ҳозирги шароит талабларига мос келадиган илғор формаларини жорий этиш йўли билан баҳамжиҳат ҳаракатлар сифат даражасини ошириш зарурлиги таъкидланди. Устқурма соҳасида ҳамкорлик, иккала мамлакат меҳнат коллективлари, меҳнаткашлари ўртасидаги алоқалар ва мулоқотлар муҳим аҳамиятга эгадир.

СССР билан РСР ўртасидаги баҳамжиҳат ҳаракатлар совет ва румин халқлари бахт-саодати, социализм ва тинчлик мустаҳкам иши йўлида ривожланиши учун ҳамма ишни қилишга ҳар икки томоннинг қатъий аҳдупаймони изҳор қилинди.

М. С. Горбачев халқаро вазият тўғрисида гапириб, дунёда айрим давлатлар ёки давлатлар группалари — социалистик, капиталистик, ривожланаётган давлатлар манфаатларигина мавжуд эмаслигини таъкидлади. Муштарак, ўзаро боғлиқ манфаатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни мувофиқлаштириш йўлини топа билиш, бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қила билиш муҳимдир. Халқаро ишларга эскича, умри тугаган ёндашувлар ўрнини эгаллаши лозим бўлган янгича тафаккурнинг моҳияти мана шундадир.

Инсониятнинг жаҳоншумул проблемаларини фақат дунёдаги барча давлатлар куч-гайрати билангина ҳал қилиш мумкин. Булар — тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари. очлик, фан-техника тараққиёти проблемаларидир.

Қуролсизланиш проблемаси орасида, деди М. С. Горбачев, космосни ҳарбийлаштириш проблемасидан кўра кескинроқ проблема йўқ. Космосга қуролни олиб чиқиш ўзаро ишончсизликни, хавфсирашни кучайтириши муқаррар. Бу эса дунёни анча беқарор, нима бўлишини олдиндан айтиб бўлмайдиган қилиб қўяди, қуролланиш пойгасини авж олдиради, инсоният тақдирини тасодифий техникавий носозликларга боғлиқ қилиб қўяди.

Буларнинг ҳаммаси дунёдаги барча давлатлар ҳукуматларининг зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Н. Чаушеску муҳокама қилинган проблемаларнинг кўпи хусусида Совет Иттифоқи билан Руминиянинг позицияларидаги бир хил ёки ўхшаш эканлигини айтди. У капиталистик давлатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларга тўхталиб, номутаносиб алмашувнинг фалокатли ролини, молиявий қарз юки ортиб бораётганлигини таъкидлади. Ҳозирги пайтда қуролланиш пойгасини тўхтатмай туриб, бирорта давлат ҳам ўзининг социал масалаларини ёки ривожланишининг бошқа масалаларини ҳал қилишга қодир эмас.

Халқаро масалаларни кўриб чиқиш чоғида ядро уруши хавфини тугатиш, қуролсизланиш, Европада ҳарбий муҳолифликни камайтириш учун курашда социалистик мамлакатлар ташаббускор ташқи сиёсий фаолиятининг муҳимлиги қайд этилди. Ўртача олислик ракеталарини тугатиш, стратегик қуролларни 50 процент камайтириш. ядро синовларини тўхтатиш ва қуролланиш пойгасини космосга чиқаришга йўл қўймаслик хусусида битимга эришиш каби ғоят ўткир масалаларни ҳал этишда куч-гайратларни ошириш зарурлиги ҳақида умумий фикр ифодаланди.

Суҳбатлар ўртоқлик вазиятида, ошкоралик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Эртага музокаралар давом эттирилади.

**(ТАСС).**

## РЕДАКЦИЯГА ТАШРИФ

МОСКВА олий партия мактабида таълим олаётган польшалик тингловчиларнинг бир группаси ҳозир областимизда ўқув практикасини ўтмоқда. Улар кеча «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газета редакцияларида бўлдилар.

Меҳмонлар ҳар иккала газета ҳаёти мисолида оммавий ахборот воситалари ишидаги янгиликлар, қайта қуриш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва салбий ҳолатларга қарши курашнинг бориши газета саҳифаларида қандай ёритилаётганлиги билан танишдилар.

## «ПАУЛЬ ПАРЕЙ» НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

Тошкентда Ғарбий Германиядаги «Пауль Парей» нашриёти китоблари кўргазмаси очилди. Экспонатлар орасида бешт томлик ноёб «Уй ҳайвонлари анатомияси дарслиги», «Хонаки ўсимликлар энциклопедияси», «Кувноқ суратларда генетика тарихи», ранг-баранг каталоглар ва бошқа оригинал нашрлар бор.

«Пауль Парей» ҳар йили 2500 гача номдаги китобни, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларига доир 36 та журнал босиб чиқармоқда. Аньанага кўра экспозиция ташкилотчилари китобларни кўргазма ўтказилган шаҳарга туҳфа қилиб қолдирадилар.

**(ЎзТАГ).**

## Узсовпроф пленуми

26 май куни Тошкентда Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг пленуми бўлди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми ва СССР Касаба союзларининг XVIII съезди қарорлари асосида касаба союз ташкилотларининг ишини қайта қуриш қандай давом этаётганлигини ҳамда бу соҳадаги ишларни янада жадаллаштириш чораларини муҳокама этдилар. Узсовпроф раиси Ҳ. Алимова доклад қилди.

Докладда ва нутқларда қайд этиб ўтилганидек, касаба союзларининг ишини яхшилаш соҳасида кўрилаётган чоралар тўпланиб қолган проблемалар кўлами ва ўткирлигига ҳали мос келмаяпти. Ана шу чора-тадбирларда зарур самарадорлик ва ҳужумкорлик йўқ. Касаба союзларининг Советлари ва комитетлари республикани социал-иқтисодий ривожлантириш планларини бажаришда касаба союз аъзоларининг меҳнат фаоллигини оширишга қаратилган ташкилотчилик иши тегишли даражада бўлишини таъминламаяптилар. Социалистик мусобақани қайта қуриш секинлик билан олиб борилмоқда, коллектив меҳнатини ташкил қилиш илғор формаларини жорий этиш, саноат корхоналарини, сут-товар фермаларини кўп сменали иш режимига ўтказиш суст амалга оширилмоқда. Бир қанча областларда, айниқса, Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё ва Фарғона областларида меҳнатни муҳофаза қилиш қониқарсиз ташкил этилган.

Республикада уй-жой қурилишидаги хўжалик усулини ривожлантириш суръатлари етарли эмас. Қишлоқ меҳнатчиларининг маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилашга эришилгани йўқ. Республика касаба союз комитетлари министрликлар ва идоралар билан биргаликда умумий таълим ва ҳунар мактабини яна ҳам оператив равишда ислоҳ қилишлари, меҳнаткашларга медицина хизматини яхшилаш масалаларига чуқурроқ эътибор беришлари керак.

Касаба союз органлари ғоявий-тарбиявий, маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишларини такомиллаштиришда қатнашишларини анча кучайтиришлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳида, интернационал ва атеистик руҳда тарбиялаш учун касаба союз ташкилотларининг масъулиятини ошириш керак.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида касаба союз комитетларининг олдида жиддий вазифалар турибди. Партиясиз меҳнатчилар касаба союз ишига дуруст жалб этилмаяптилар, резервдагилар билан ишлашни, касаба союз ходимлари ва активларини ўқитишни яхшилаш талаб этилади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин қатнашди.

Пленум қабул қилган қарорда қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда республика барча касаба союз ташкилотларининг ишини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

**(ЎзТАГ).**

## М. С. Горбачевнинг Бухарестда бўлиши

БУХАРЕСТ, 26 май. **ТАСС махсус мухбирлари.** КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев бугун Бухарестдаги ҳар хил типдаги тепловозлар, бошқа турдаги темир йўл техникаси, дизель агрегатлар, цемент заводлари учун асбоб-ускуналар, компрессорлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «23 август» корхонасини бориб кўрди.

РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев М. С. Горбачев билан бирга бўлдилар.

Корхона меҳнаткашлари кенгаши билан учрашув бўлди. Кенгаш раиси, партком секретари П. Радукану, бош директор А. Рошу Совет Иттифоқилик меҳмонни ишлаб чиқариш билан, коллективнинг муваффақиятлари ва муаммолари билан таништирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари кўпгина масалаларни, шу жумладай, корхонада маҳсулот сифати ва хом ашёни тежашга қандай рағбатлантирилаётганини батафсил суриштирди.

М. С. Горбачев корхонанинг ҳурматли меҳмонлар китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди:

«Завод билан ғоят қизиқиб таништим, меҳнат коллективининг муваффақиятлари, ишлари ва келажак режаларини билиб олдим. Корхонангиз тамғаси қўйилган маҳсулот Руминия ташқарисида ҳам, шу жумладан Совет Иттифоқида ҳам яхши маълум. У Руминия саноати социалистик қурилиш йилларида нақадар илгарилаб кетганини яққол кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга корхона коммунистлари, меҳнаткашлари маҳсулотнинг дунёдаги энг яхши намуналардан орқада қолмаслиги учун унинг техникавий даражаси ва сифатини янада ошириш устида тинимсиз меҳнат қилиш муҳимлигини яхши англаётганликларини ўқтириб ўтиш ёқимлидир.

Ҳозир олдинги маррага чиқиб қолаётган айни шу вазифани Совет Иттифоқи, бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг ишчилар синфи ҳам ўз олдига қўймоқда. Бу муҳим ишда куч-гайратларни бирлаштириш, бевосита ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатиш ҳаммамизга биргаликда тезроқ ва муваффақиятлироқ олға силжиш имконини беради. Шу жиҳатдан олганда, сизнинг корхонангиз билан М. В. Фрунзе номли Суми илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилиши яхши истиқболлар очади.

Сизларга чин кўнгилдан меҳнатда бундан буён ҳам муваффақият, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилайман. орзу-умидларингиз, режаларингиз рўёбга чиқаверсин».

Сўнгра Бош секретарь «Жаҳонга — тинчлик!» скульптурасини коллективга тортиқ қилди.

Совет раҳбари ишчилар билан хайрлашар экан, бундай деди: коллективингизнинг фаолияти билан таништишдан хурсанд бўлдим, таассуротларим кўп. Сизлар барча асосий соҳаларда: техникада ҳам, экономикада ҳам, социал масалаларда ҳам, ишчиларнинг малакасини оширишда ҳам ғамхўрлик қилаётганлигингиз менга жуда ёқди. Сизларга катта муваффақиятлар тилайман! Мамлакатимиз ишчилар синфидан сизларга самимий салом топшираман. Ҳамкорлигимиз ривожланаверади, деб умид қиламан.

* * *

Бугун РСР пойтахтининг Сарой залида Руминия-Совет дўстлиги митинги бўлди, унда Н. Чаушеску ва М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.

* * *

**БУХАРЕСТ, 27 май. (ТАСС махсус мухбирлари).** КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев расмий дўстона визитини тамомлаб, бугун Руминиядан жўнаб кетди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ПАРТКОМ ВА ЁШЛАР

# КОЛЛЕКТИВ УМИД ҚИЛАДИ

Султонмурод аканинг чироғи ярим тунгача ўчмади. Куни бўйи далада бўлиб партком мажлисига тайёргарлик кўролмагани учун мана, энди юрт оёғи тингач кабинетда ўтириб комсомол-ёшлар билан ишлаш бўйича нималар қилинган бўлса ҳаммасини эслаб бир-бир қоғозга туширяпти.

Колхоз партия комитетининг эртага бўладиган мажлисида шу масала бўйича ҳисоб бериши керак. Султонмурод ака партком аъзоси сифатида комсомол ташкилоти ишини жонлантиришга, ёшларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишга, иш ва турмуш шароитини яхшилашга масъул қилиб қўйилган.

Партия комитети унга бу вазифани юклаб янглишмаган эди. Султонмурод ака комсомол ҳаёти ва спорт ишларини жон-дилидан севади. Дастлаб мактабда жисмоний тарбиядан дарс ҳам берган. Ўша кезларда ўтказиладиган барча мусобақаларга ўзи бош-қош бўлар-ди. Дарслардан ва мусобақалардан бўшади дегунча пахтазорга чиқиб кетарди. Амакиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров ёнида юриб пахта илмини ўрганарди.

Шу орзу Султонмуродни қишлоқ хўжалиги институтига етаклади. Сиртдан ўқиб агроном бўлди, шу бўйи ўз тақдирини пахта билан боғлади. Оддий агрономликдан колхоз правлениеси раислигигача кўтарилди.

Султонмурод Қодиров қандай лавозимда ишламасин, ҳамиша ёшлар билан бўларди. Чамаси шунинг учун ҳам ўзи ёшига нисбатан анча навқирон кўринади. Чигит экиш қизғин бораётган кезларда у комсомол-ёшлар коллективини ишдан хабардор бўлиб турди. Бир гал комсомол аъзоси механизатор Ихтиёр Тожиевнинг ишини кузатди. Тажрибали механизатор Умурзоқ Қуролов ҳам шу ерда эди. Ихтиёрнинг 90 сантиметр оралатиб олаётган эгатларини кўриб, ҳар иккалови ўзида йўқ қувонди. Ихтиёр трактор рулига ўтирганига иккинчи йил бўляпти. Ўтган вақт ичида ўз касбини пухта эгаллаб олди. Раис ва устоз механизатор Ихтиёрнинг ёшлар қайтиб, шу бригадага аъзо бўлишди.

Қайта қуриш ва жадаллаштириш программаси асосида колхозда ишлар тўла пудрат усулида ташкил этилиб, пахтакорлар доимади ошгач кўпгина социал масалаларни ҳал этиш имкони яратилди. Клуб ишлари йўлга қўйилди. Ёшларнинг қизиқишларига қараб қўшимча тўгараклар, спорт секциялари очилди. Спорт инструктори Турғун Ҳасанбоев ташаббуси билан саломатлик кунлари ўтказилади-ган бўлди. Яқинда ўтказилган саломатлик кунида автогараж ёшлари биринчи ўринни олишди. Кўпгина йигитлар шу куни ГТО нормативини бажаришди.

Турғуннинг ўзи ҳам чаккі спортчилардан эмасди. Полвонлар мусобақасида ўз вазни бўйича Ўрта Осиё чемпиони бўлган. Унинг ташаббуси билан кейинги йилларда кураш, қўл тўпи секциялари ҳам очилди. Колхоз полвонлари ўтган йили район биринчилигида совринли ўринни эгаллашди. Қўл тўпи билан шуғулланаётган спортчилар эса бу йил область биринчилигида иштирок этишяпти.

Ҳозир спорт билан шуғулланаётганлар сони яна ҳам кўпайган. Энди мавжуд спорт майдончалари колхозчиларга торлик қилиб қолди. Шу боисдан колхоз правлениеси 5 минг ўринли стадион қуришга қарор қилди. Бу объект ўчун 70 минг сўм ажратилди. Ўтган коммунистик шанбаликда комсомол-ёшлар стадион қурилишида ишлашди. Теварак-атроф текисланди, майдонларга чим ётқизилди. Энди асосий объектлар қурилишига қўл урилмоқда. Шанбаликдан сўнг клубда ҳаваскор санъаткорлар колхозчиларга концерт қўйиб беришди.

Клубда янгидан «Гултепа гуллари» фольклор ансамбиси активлигини оширяпти. Яқинда ёш сут соғувчилардан Раъно Исомова ва Мўътабар Ханаева ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Улар Октябрь юбилейигача йиллик сут соғиб олиш планини бажаришга ваъда бердилар. Бу қизларнинг ҳар бири 69,5 тоннадан сут соғиб топширишмоқчи. Ферма коммунистлари уларни ўтган йили партия аъзолигига кандидатликка қабул қилишган эди. Синовдан улар муваффақиятли ўтмоқдалар.

— Ўртоқ М. С. Горбачевнинг ВЛКСМ XX съездида сўзлаган нутқида ёшларга ишониш ва улар куч-ғайратини аниқ мақсад сари йўналтириш зарурлиги уқтирилди,— дейди Тельман номли колхоз партия комитети секретари Дилбар Зокирова.— Хўжалигимизда 230 дан ортиқ комсомол аъзоси бор. Биз ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида комсомол-ёшлар активлигини юзасидан зарур чораларни кўрмоқдамиз. Ҳозир 15 дан ортиқ йигит-қиз ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқимоқда. Улардан ўрта бўғин кадрлари тайёрланмоқда. Комсомолда чиниққан ёшларни раҳбарлик лавозимларига дадил кўтармоқдамиз.

Колхоз ишлаб чиқаришида комсомол-ёшлар ўрни алоҳидадир. Улар ҳиссаси билан бу йил 1130 гектар ерга чигит қулай шароитларда экиб олинди. Ҳосил тақдири ёшлар қўлида. Коллектив уларга ишонади.

**Ж. НОСИРОВ,**
**Пискент райони.**

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИГА ҲОЗИРЛИК

# ОЛИС МАНЗИЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

**ЎТГАН беш йилликда область студент қурилиш отрядлари составида 100 минг нафардан зиёд йигит ва қиз иштирок этди. Улар 58 миллион сўмлик ҳажмда капитал маблағларни ўзлаштирдилар. Бу йил ҳам областимизнинг минглаб ёшлари меҳнат семестрида қатнашадилар. Мухбиримиз А. ҒУЛОМОВ область студент қурилиш отрядлари штаби командири Фарҳод КАРИМОВ билан учрашиб, янги мавсумга тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳақида суҳбатлашди.**

— АНЪАНАГА кўра бу йил областимизнинг салкам 23 минг кишилик студент қурилиш отрядлари мамлакатимизнинг турли ўлкаларида бунёд этилаётган зарбдор объектларда меҳнат қиладилар. 80 дан зиёд олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг юрагида ўти бор йигит ва қизлари Олтой, Приморье, Ставрополь, Хабаровск ўлкалари, Иваново, Новгород, Новосибирск, Тюмень, Смоленск областларида социал, маданий-маиший объектлар, йўллар, турар-жой бинолари қурилишида, йирик-йирик корхоналарни реконструкция қилишда қатнашадилар. Шунингдек, республикамизнинг Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм областларидаги қурилишларда ҳам меҳнат қиладилар, дала меҳнаткашларига яқиндан кўмаклашадилар. Биргина пойтахт областининг қурилиш майдонларида 5 минг нафардан ортиқ студент 10 га яқин йирик қурилиш трестларининг бинокорлари билан елкама-елка туриб ишлайдилар.

Булардан ташқари махсус отрядлар ҳам тузилмоқда. Бу отрядларга бирлашган бўлажак медиклар, таржимонлар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимлари шулар жумласидан. Улар Тошкент шаҳар ва область соғлиқни сақлаш бўлимлари, Тошкент темирйўл бўлинмасининг иккинчи депоси, «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси, Тошкент шаҳар умумий овқатланиш бош бошқармаси, «Ташплодоовощ» бирлашмаси, йирик саноат корхоналари коллективлари ихтиёрига юборилади. Минтга яқин бунёдкор областнинг 9 та қишлоқ хўжалик районларига боради. 12 та илмий-ишлаб чиқариш отрядлари Тошкентдаги олий ўқув юртларида олган билимларини тажрибада синаб кўрадилар.

300 га яқин студент Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти, Низомий номидаги Давлат педагогика институти, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти, Бўка ва Оққўрғондаги ўрта махсус билим юртларининг янги ўқув корпуслари қурилишида ишлайди. ТошДУ, педагогика, Энгельс номли чет тиллар, республика рус тили ва адабиёти педагогика институтларининг 3670 нафар талабалари Тошкент ва пойтахт области мактаб ўқувчиларининг «Меҳнат-роҳат» пионер лагерларида ёзги практикаларини ўтказадилар. Шунингдек, ўтган йилларда студент-қурилиш отрядларида жонбозлик кўрсатган юзлаб йигит ва қизлар бу йил «ИнтерССО-87» отряди составида Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Болгария, Венгрия, Югославия қурилишларида қатнашади.

Студент-қурилиш отряди область штаби меҳнат коллективлари билан хўжалик шартномаларини тузиб бўлди. Шу кунларда меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус ўқув ташкил этилган. Студентлар медицина кўригидан ўтмоқдалар, областнинг шаҳар ва районларида студент отрядларини ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш бўйича штаблар ташкил қилинди. Студент отрядларининг командирлари, комиссарлари жойларга чиқиб, у ердаги тайёргарлик ишлари билан қизиқмоқдалар. Ётоқхоналар, ошхоналар ёшларнинг ишдан сўнг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, Улуғ Октябрнинг ~~70~~ йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда студент бунёдкорлар аввалги йилларга нисбатан яна ҳам унумли меҳнат қилишга бел боғламоқдалар.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

# 14 МИЛЛИОН СЎМЛИК ИЖОД

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ техника уйида қурилиш индустрияси илмий-техника жамиятининг олтинчи область конференцияси бўлиб ўтди. Жамият раиси Б. А. Лешенко 1985—1986 йилларда амалга оширилган ишларга якун ясади. Объектлар қурилиши фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари ҳамда илғор технология асосида олиб бориляпти. Мисол учун, «Главташкентстрой»да Тюмень областида қурилаётган уйлар учун уч қатламли иссиқни яхши ушлайдиган девор панеллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бетонни махсус комплекслар ёрдамида қуйиш ҳажми ҳам сезиларли ўсди. 1985 йилда бу кўрсаткич 6,5 куб метрни ташкил этган бўлса, ўтган йили ўн баравар ошди. Бу меҳнат сарфини 250 киши-кунига қисқартиришга ёрдам берди. Шу йилларда қурилишга жорий қилинган рационализаторлик таклифлари 14 миллион сўмликдан ортиқ иқтисодий самара берди.

Лекин жамиятнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, «Главташкентстрой»нинг 4-, 6-, 153-қурилиш трестларида, «Алмалиқсвинецстрой», «Ўзбекметаллургстрой», Тошкент политехника институтининг инженерлик—қурилиш факультетларида НТОнинг илмий-техника тараққиётига қўша оладиган ҳиссасини аниқ тушуна олишмаяпти. «ЎзгипроагростроЙ» ва «ЎзгипроНИИздрав» бошланғич ташкилотлари умуман фаолият кўрсатмаяпти.

Конференцияда илмий-техника жамиятлари бошланғич ташкилотларининг ишида жиддий ўзгариш ясаш вазифаси қўйилди. Шунингдек, долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун тармоқлараро илмий кучлар — инженер кадрлар ва моддий-техник манбаларни тўплашнинг истиқболли шакли — илмий-техника комплекслари ташкил қилишда иштирок этиш вазифаси юкланди.

Область конференцияси иштирокчилари қурилиш индустрияси илмий-техника жамиятининг 15-республика конференциясига делегатлар сайлашди.

**С. АЗИМОВ.**

ЗАМОНАВИЙ УРФ-ОДАТЛАР — ҲАЁТГА!

# МАҲАЛЛАМИЗГА БИР КЕЛИНГ

Агар, йўлингиз тушса, Фрунзе районидаги Конституция деб чиройли номланган маҳаллага албатта бир келинг. Бу ердаги кўчалар, йўлкалар, ораста уйларни кўриб ҳавасингиз келади. Мевали ва манзарали кўмкўк дарахтлар дилингизни яйратади, одамлари ширинсухан, меҳмондўст, болалари сершалом. Ҳа, қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, камтар оилада камол топган фарзанд эл-юрт ўртасида ота-онага раҳмат келтиради. Оила бахти ҳам шунда.

Маҳалла аёлларининг қиёфасида социалистик турмуш тарзининг бутун гўзаллиги акс этган. Янгича анъана, урф-одат ва маросимлар уларнинг ҳаётига файз бағишлаб турибди. Маҳалла комитети қошида тузилган Хотин-қизлар совети, чунончи унинг раиси Хосиятхон Исмоилова улар орасида жуда катта тушунтириш ишларини олиб бормоқда. «Ҳужум» ҳафакатининг 60 йиллиги ҳамда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги муносабати билан оммавий-сиёсий, маданий-оқартув ишлари, айниқса, кучайтирилмоқда.

Бу ерда 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар рўйхати олиниб, энг узоқ умр кўрган аёллар аниқлаб чиқилди. Бир ёшдан етти ёшгача бўлган болалар ҳисобга олиниб, уларнинг ҳаммаси боғча ва яслиларга жойлаштирилди. Ишлаётган хотин-қизларга алоҳида шароитлар яратиб берилган, ишламаётган аёллар эса ишга жойлаштирилди.

Ўтказилаётган оммавий-маданий тадбирлар маҳалла ҳаётида сезиларли из қолдирмоқда. Масалан, 72-ўрта мактабда бўлиб ўтган тадбирда хотин-қизлар ўзларининг пазандалик ва тиқувчилик санъатларини намойиш қилишди. Ўтган йили Ғалаба кунига бағишланган тинчлик маршида эса ёшлар билан бирга Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари ҳам иштирок этишди. Хотира кунида, шанбалик — халқ ҳашарларида хотин-қизларнинг фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Маҳаллада бўлган ана шу танланада Тамарахоним бошлиқ фронтчи санъаткорлар бригадаси район ҳарбий комиссариати ходимлари билан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, рус тилининг аҳамияти хусусида суҳбатлар ўтказишиб, фронт қўшиқларидан ижро этишди.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми, М. С. Горбачевнинг ВЛКСМ XX съездида сўзлаган нутқи ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорлари юзасидан катта тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллада ҳар бир актив, врач, ўқитувчи, мутахассис лекция ва пропаганда ишларига жалб этилган. Маҳалла оқсоқоли Х. Неъматов, шифокор-терапевт З. Файзиева, 17-поликлиника врачи Н. Тершина ва В. Ковалевларнинг турли мавзулардаги лекция ҳамда суҳбатлари ҳар доим қизиқиш билан тингланади.

Ташвиқот жонкуярлари ўз суҳбатларида ёшлар тарбияси, уларнинг хулқи ва ўқиши, оила аҳволи, атеистик пропаганда, шунингдек хонадонларда электр энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш каби ҳаётий масалаларни кенгроқ қамраб олишга, аҳолига тушунтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай оммавий-маданий тадбирлар туфайли тўйлар ичкиликсиз мазмунли, янгичасига ўтмоқда.

Маҳаллада турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Ана шу бир бутун интернационал оилада қарийб тўқсон ёшни қоралаб қолган М. Шукинанинг тоби қочиб ётиб қолди. Маҳалла аҳли ёлғиз онани ташлаб қўйишмади. Уни дарҳол касалхонага жойлаштириб, ҳолидан хабар олиб туришди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, маҳалла кишиларининг аҳиллиги, жонкуярликлари, уларнинг ободончилик, маънавий-ахлоқий тарбия соҳасидаги куйди-пишдилиги ишда муваффақиятларнинг салмоқли бўлишига хизмат қилмоқда. Яхшиси, маҳалламизга бир келинг, ўзингиз кўрасиз.

**Ҳидоят НЕЪМАТОВ,**
**меҳнат ветерани.**

# ШАРҚ БОЗОРИ ҚУРИЛИШИДА

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ эски шаҳар қисмида қурилаётган Шарқ бозорининг биринчи навбатини 1989 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Бу ерда асосий объект-ёпиқ бозор корпуси билан бирга новвойхона, қатор саноат, озиқ-овқат магазинлари комплекси бунёд этиляпти. Қурилишда ишлар қизғин давом этмоқда.

Бозор қурилишига «11-Висотстрой» трести бош пудратчи этиб тайинланган. Ўнга яқин пудратчи ташкилотлар яқиндан кўмаклашмоқда. Ҳозир бу ерда жами 150 дан зиёд бунёдкор ишлаяпти.

— Қурилиш майдонида, — дейди 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка прораби Улуғбек Файзиев,— бизнинг бошқармадан Абдужалил Хусанов етакчилигидаги бригада коллективи жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

**Г. ҚУШОҚОВА,**
**ишчи мухбирлар университетининг тингловчиси.**



● ТОШКЕНТ агрегат заводининг ишчиси А. Байдаков Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини шахсий икки йиллик планни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилган. Пешқадам фрезерчи смена нормасини мунтазам 120—125 процентдан бажариб, ваъдасини ошириб ado этишга ҳаракат қилмоқда.

М. Нуритдинов фотоси.

# СТУДЕНТ ОТРЯДЛАРИ

Шу кунларда Тошкент Давлат медицина институтида студентлар қурилиш отрядларини ташкил этиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу борада II даволаш факультети студентларидан ташкил этилган қурилиш отряди аъзоларининг доцент Д. Тешабоев бошчилигида амалга ошираётган ишлари диққатга сазовор.

Факультетда 9 та қурилиш отряди бўлиб, унга 330 студент аъзодир. Айни вақтда улар ўртасида техника хавфсизлиги бўйича лекция-суҳбатлар ўтказилмоқда. Мавжуд қурилиш отрядлари Тошкент область қурилиш бошқармалари, район ва совхозлар билан тузилган шартнома асосида ишлайдилар.

**М. БОЗОРБОЕВ.**

• СЪЕЗДДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ** яқинда бўлиб ўтган VII съездида умумий таълим ва ҳунар мактаби мамлакатимиз иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаётини қайта қуриш, содир бўлаётган революцион ўзгаришларни рўёбга чиқаришдек энг муҳим ишнинг асосий иштирокчиси эканлиги қайд этилди. Чунки мактаб парталарида ўтирган ёш авлод эртанги кунда жамиятни бошқаради. Ана шу келажак эгаларининг тарбияси, камолоти ўқитувчи меҳнатига боғлиқдир. Зероки, у ислоҳот доирасидаги таълим-тарбия ишлари болаларни меҳнатга тайёрлаш, уларни жисмоний чиниқтириш билан боғлиқ бўлиб, замонавий талаб ва вазифаларни аниқ, равшан амалга оширишга қаратилгандир.

● Ориф ИКРОМОВ,
**Коммунистик районидаги В. И. Ленин номли 7-ўрта мактаб директори:**

Очиғини айтсам, съездда ютуқларимиздан ҳам кўра камчиликлар, муаммолар ҳақида кўпроқ гапирилганлиги менга маъқул бўлди. Лекин энг долзарб масалалар ҳали ҳам муаммолигича қолмоқда. Масалан, мактабларни қурилиш материаллари билан таъминлаш борасида қанчалик жон куйдириб гапирилганлигига қарамай проблемани аниқ ҳал этиш юзасидан фикрлар яна конкрет бўлмай қолди. Савдо ташкилотлари бундай материалларни «фақат нақд пулга сотишлари», оталиқ ташкилотларининг ёрдам кўрсатмаётганлиги директорга ҳам, коллективга ҳам ташвиш туғдирмоқда.

Мактабда ўқув-тарбия билан шуғулланиш ўрнига директор хўжалик ишларига ўралашиб қолаётир.

Ўқувчиларни фойдали меҳнатга ўргатиш йўлидаги тўсиқлар ҳам дилни хира қилади. Ҳали жуда кўплаб базавий ташкилотлар ўзларининг ислоҳотни амалга оширишдаги бурчларини тушуниб етганлари йўқ. Улар мактабларга иш жойи, ерни ўз вақтида ажратиб бермаяптилар. Хусусан, бизнинг мактабимиз биркитилган 1-луб заводи ўқувчиларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаяпти. Чунки у биргина маҳсулот — каноп пояси тайёрлайди, холос. Бу эса турли касбларга қизиқиши бўлган болаларнинг эҳтиёжларини қондира олмайди, албатта. Шу муносабат билан мен мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш заводи қуриш керак, деган фикрдаман. Бундан мактаб ҳам корхона ҳам фақат ютиши мумкин. Чунки гап ёш авлодга чуқур билим бериш ҳамда ана шу билимни амалий иш билан мустаҳкамлаш ҳақида бормоқда.

Ишчанлик руҳида ўтган педагоглар анжуманида ана шу мавзуларда батафсил гапирилди. Шу билан бирга албатта, съездда ҳамма делегатларнинг чиқиб сўзлашлари, ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашишлари учун вақт нуқтан назаридан имконият бўлмади. Шу муносабат билан махсус мухбиримиз С. ҲАСАНОВ Тошкент областидан съездда иштирок этган бир қатор делегатлар даврасида бўлиб, улар билан ўз таассуротлари, ислоҳотни амалга ошириш йўлида бундан буён белгилаб олган режалари, таклиф ва истаклари ҳақида суҳбатлашди.

# ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ЯНГИЧА ИШЛАЙЛИК

● Анна ТУЛЕКОВА,
**Бўка шаҳридаги область 15-болалар уйи тарбиячиси:**

— БОЛАЛАР уйига кейинги йиллар ичида эътибор анчагина ортди. Озиқ-овқат сифатининг яхшиланганлиги, кийим-кечак билан етарли таъминланаётганлигимиз бунга мисол бўла олади. Шунга жавобан биз ҳам ўқув ва меҳнат тарбиясини яхшилашга интиляпмиз. Съездда болалар уйлари педагоглари, тарбиячиларининг ана шу меҳнатлари муносиб равишда тилга олинди. Бунинг учун раҳмат.

Аммо бу соҳада ҳам ўзига яраша муаммолар бор. Мени кўпдан бери уйлантиradиган нарса болалар уйларида ота-оналари ҳаёт фарзандларининг тобора кўпаяётганлигидир. Булар аксарият ичкиликбозлар, гиёвандларнинг ўғил-қизлари. Тўғри, уларни — болаларни биз ардоқлаймиз, тарбиялаймиз. Аммо ота-оналарининг бу кўйга тушиши, масъулиятсизлиги, ўз фарзандларига нисбатан меҳр-оқибатсизлигига ким эътибор беради? Нима учун улар «айшу-ишрат»ини суриб юриши керак-гу, болалар ота-она меҳригa фидоий ўқитувчи кадрлар ишласа, улар ўз маҳоратларини бошқаларга сидқидилдан ўргатишса ана шундагина ҳар томонлама баркамол ёшларни вояга етказиш мумкин.

Биз агар мавжуд талантларимизнинг билими ва малакасини текшириб бориш каби режалар амалга оширила бошланди.

Тарбиячилар ўқув жараёнида бир неча ходимларни ўз иш тажрибаси ҳақидаги докладлари тингланди. Улар Низомий номли Тошкент педагогика институти мактабгача тарбия кафедралари ўқитувчилари. методистлар томонидан баҳолаб борилди.

Айниқса, тажриба мактаби иштирокчилари Тошкент педагогика илмий текшириш институти лабораторияси мудири, катта илмий ходим М. Асқархўжаева, шу лаборатория илмий ходими О. Гостюкиналар докладларидан мамнун бўлдилар.

**Д. ТУЛАГАНОВА.**

● Валентина ШИН,
**Ғалаба районидаги 19-ўрта мактаб химия ўқитувчиси:**

— ИШИМИЗДА бизни олдинга интилишимизга ёрдам берадиган восита — бу илғор тажрибалардан унумли фойдаланишдир. Аммо ана шу ҳақда мажлисларда кўп гап бўлади-ю, уни қўллашга келганда ҳеч ким ташаббус кўрсатмайди. Областда энг илғор тажрибаларни марказлаштирадиган «педагогик ғоялар генератори»— экспериментал мактаб ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман. Бундай мактабда лаборатория ходимлари билан мактаб ўқитувчилари ҳамкорлик қилишса, ўзаро ижодий муносабатда бўлишса, ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари ҳам самарали ташкил этилган бўлар эди.

● Людмила ЕРМОШКИНА,
**Олмалиқ шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири:**

— СЪЕЗДДА қайта қуриш шароитида ўқитувчилар масъулияти бир неча бор ортиши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Зероки, педагоглар жамиятнинг интеллектуал потенциалини доимо янгилаш ва бойитишга муносиб ҳисса қўшадилар. Айтиш керакки, биз ана шундай масъулиятни ҳис қила бошладик. Лекин ўқитувчилар ўз ташаббуслари, интилишлари, базавий корхоналари билан муносабатларида айрим ғовларга дуч келмоқдалар. Биргина мисол келтираман. Масалан, базавий корхона ҳақидаги низомда пландан ташқари жамғармалардан шу корхона оталиққа олган мактабга қўшимча синфлар қуриб бериши, кўргазмали қуроллар, техник воситалар, станоклар сотиб олишга кўмаклашиши лозим, деб кўрсатилган. Аммо масала уларни давлат банки орқали юридик жиҳатдан расмийлаштиришга келганда шунда корхоналар бош берк кўчага кириб қоладилар. Банк бошқарувчиси инструкция талаб қилади, инструкция эса ишлаб чиқилмаган. Шу зайлда иш ўлда-жўлда қолаверди. Хўш, бундай эътиборсизлик қачон тугатилади? Нима учун мактаб ва корхоналар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ ҳужжатлар тайёрлаб қўйилмаган? Ахир ислоҳотга киришилганига уч йилдан ошди-ку. Менинг таклифим — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги бундай чигалликларни тезда ҳал этиши лозим. Давлат банклари учун мактабларга ёрдам кўрсатишнинг ҳар томонлама қулайлаштирадиган инструкциялар яратиб бериш пайти келди.

* * *

**Съезд делегатларининг гапларидан кўриниб турибдики, областимизда халқ маорифини ривожлантириш, мактаб ислоҳотини амалга ошириш, ёш авлодни меҳнатга ўргатиш, уларни жисмоний чиниқтириш, Совет Армиясига тайёрлаш билан боғлиқ қатор муаммолар ҳамон ҳал қилинишини кутмоқда. Энг муҳими мактаблар моддий базаларини мустаҳкамлаш эътиборни кучайтириш керак. Бу ишга район партия, совет ташкилотлари астойдил киришиб халқ маорифи органларига ёрдам кўрсатмас эканлар, уни муваффақиятли ҳал этиш мушкуллашади. Ислоҳотнинг эса умумхалқ иши эканлигини унутмаслик лозим.**

# ТАРБИЯЧИЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган педагогик ўқишлар боғча тарбиячилари малакасини янада ошириш. Бу машғулотлар асосан ислоҳот талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди. Авваллари йилларда ўтган дарсларда фақатгина боғча ва яслиларда кичкинтойлар тарбияси борасида сўз юритилган бўлса, эндиликда олти ёшлиларни саводли қилиш ҳақида ҳам батафсил суҳбатлар бўлиб ўтди.

Педагогик ўқишга йиғилганлар ўтган йили республикамизда нашр қилинган «Болалар боғчаси программаси» ишда катта ёрдам бераётганлигини таъкидладилар. Шу программа муносабати билан мактабгача тарбия муассасаларида анчагина ўзгаришлар рўй берди. Ота-оналар иштирокида турли тадбирлар ташкил этиш, улар билан фарзанди ҳақида суҳбатлар ўтказиш, вақти-вақти билан боғчанинг ўзида тарбиячи билими ва





● ҒАЛАБА районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвер Алиев етакчилик қилаётган бригада аъзолари айни кунларда ғўза парваришида пешқадам. Бу йил 128 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Ниҳол қатор ораларига иккинчи ишлов агротехника қондалари асосида сифатли қилиб ўтказиляпти. СУРАТЛАРДА: (чапда) ниҳолларга ишлов бериш пайти; механизатор М. Абдураҳмонов, бригадир Э. Алиев ва участка агрономи М. Сантбоев культивациянинг сифати хусусида суҳбатлашишмоқда.

А. Зуфаров фотолари.

# КАНОПНИ ПАРВАРИШЛАШ

ҲОЗИРГИ кунда кўпгина хўжаликларда каноп майсалари кўзга ташланиб қолди. Бўз тупроқли далаларда қатқалоқ ҳосил бўлган. У, айниқса, апрель ойининг иккинчи ярмида экилган канопнинг униб чиқишига тўсқинлик қилаётир. Айрим карталарда униб чиққан ниҳоллар эса жуда нозик. Агар бу майдонлардаги қатқалоқ тездан бартараф этилмаса кўчат нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳозир ерларни тезда юмшатиш, тупроқдаги ортиқча намни қочириш ҳамда қиздириш керак. Бу канопни илдиз чириш касаллигига чалинишига йўл қўймайди, гектарларда тўлиқ кўчат сақланишига имкон беради.

Маълумки, каноп жуда нозик ўсимлик ҳисобланади. Унинг илдиз системаси зудлик билан ривожлангани билан майсалари ер юзасида қарийб 30—35 кун ичида пайдо бўлади. Шунинг учун, айниқса, ҳозирги мураккаб об-ҳаво шароитида экин қатор ораларини тездан юмшатиш, тупроқ ҳароратини кўтариш, ҳаво алмашинувини яхшилаш ва бегона ўтларни йўқотиш жуда муҳимдир. Бу йилги вазият зарпечакнинг кўпайиши хавфини ҳам туғдирмоқда. Унга қарши кураш чораларини кўриб қўйиш керак.

Ҳозирги кунларда кўпгина хўжаликларда культивация пайтида ўсимликка зарар етказмаслик, уни тупроқ билан кўмиб юбормаслик учун ҳимоя зонасини 10—12 сантиметр ўрнига 12—15 сантиметр қилиб қолдириляпти. Натижада ўсимлик атрофидаги 20—30 сантиметр жой механизм ёрдамида ишланмай қолиб кетяпти Бу бегона ўтларнинг кўпайишига сабаб бўлиб, натижада уларни бартараф этиш ва экин тагларини юмшатишга кўплаб қўл кучи сарфлашга олиб келмоқда.

Бундай ортиқча сарф-ҳаражатларга йўл қўймаслик учун дискали юлдузчалар, пичоқлар, ККО ва ротацион мосламалардан фойдаланиб ҳимоя зонасини бир мунча қисқартириш керак. Мисол учун ротацион мослама ишлатилганда ҳимоя зонасини 7—9 сантиметргача олиб келиш мумкин. Бу қатқалоқни юмшатиш билан бирга униб чиқаётган бегона ўтларнинг 70 процентгача қисмини йўқотиш имконини беради. Ниҳоллар ҳам тупроқ билан кўмилиб қолмайди.

Шунингдек, биринчи культивация даврида культиваторнинг ишчи органларини ўсимликдан 7—8 сантиметр узоқликда, ротацион мосламаларни 5—6 сантиметр, пичоқларни 6—8 сантиметр, ўткир учли ғоз панжаларни 10—12 сантиметр чуқурликда ўрнатиш керак. Иккинчи культивация вақтида ҳам агар бегона ўтлар кўп бўлса ротацион мосламалардан, кам бўлса пичоқлар, кейин наральниклар ҳамда панжалардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу ишловда ҳам ҳимоя зонаси 7—9 сантиметрни ташкил этиб, ротацион мосламалар 5—6 сантиметр, наральниклар 8—10 ва панжалар 12—14 сантиметр чуқурликда ўрнатилади. Учинчи ва тўртинчи культивацияни ККО ёрдамида ўтказиш яхши фойда беради. Бунда ҳимоя зонаси 6—8 сантиметрни ташкил қилиши, наральниклар 6—8, 8—10, 12—14 сантиметр қилиб остинма-устун, панжалар 14—16 сантиметр чуқурликда жойлаштирилиши лозим.

Канопни ўғитлашни бу йил об-ҳаво шароити ва тупроқ ҳароратини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш керак. Бунда ўғитлаш миқдори, уларнинг турлари ва нисбати агрохимия картограммалари, ўғитлаш планига кўра белгиланади. Жумладан, поя учун экилган канопга ҳар гектар ер ҳисобига 220—250 килограммдан азот, 150—200 килограммдан фосфор ва 90—120 килограммдан калий солиш норма ҳисобланади. Агар ўғитлар (фосфорли ва калийли)нинг 50 процентини шудгорлаш пайтида солинган бўлса, қолганини парваришлаш даврида ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи озиқлантиришда азотли ва фосфорли, иккинчисида эса азотли ва калийли ўғит берилади.

Кўп йиллардан буён каноп экилаётган майдонларда калий ўғити солиш шарт эмас, деган фикр мавжуд эди. Олиб борилган тадқиқотлар бунинг аксини кўрсатди. Маълум бўлишича, каноп йилига 180—240 килограмм калий ўзлаштирар экан. Бунинг устига ўғит луб толаси сифатига ижобий таъсир этади, ўсимликда учрайдиган кўпгина касалликларнинг олдини олади. Айниқса, уруғлик канопни калий билан озиқлантиришга катта аҳамият бериш керак. Бунда унинг ҳар гектари ҳисобига бир йўла 150 килограммдан калий ишлатиш тавсия этилади. Фосфорли ўғитни иккинчи озиқлантиришда бериш уруғликнинг пишиб етилишини бир мунча тезлаштиради.

Айрим хўжаликларда каноп етилгунга қадар унинг қатор ораларидан, 4—5 марта культивация, 2—3 марта озиқлантириш мақсадида, камида бир-икки сувга эгат очиш учун, хуллас камида 8—9 марта трактор ўтади. Натижада тупроқ зичланиб қолади. Бу эса ўсимликда микробиологик жараёнларнинг сусайишига олиб келади. Ўсимлик ўсишдан тўхтайди. Бунга йўл қўймаслик учун культивация билан озиқлантиришни бирга қўшиб олиб бориш керак. Жумладан, иккинчи ва учинчи культивацияни озиқлантириш билан қўшиб олиб бориш иш жараёнларини икки баравараг қисқартириш билан бирга сарф-харажатларни камайтиради, ўсимлик ривожига ижобий таъсир этади.

**Ф. САИДБУРХОНОВ,**
**Ўзбекистон толали ўсимликлар тажриба станцияси агротехника лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати,**

**Ҳ. УМАРОВ,**
**ўсимликлар физиологияси группаси раҳбари, биология фанлари кандидати.**

**Т. АЗИЗОВ,**
**агрохимия лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.**

*Мутахассислар маслаҳати*

## *ДИН ҲАҚИДА МУЛОҚОТ*

Фалсафа фанлари доктори, профессор Т. С. САИДБОЕВ олиб боради

# АРАБЛАР НИМА УЧУН ЯНГИ ДИНГА МУҲТОЖ БЎЛГАН ЭДИЛАР

**С:** Суҳбатни давом эттирамизми?

**И:** Ҳа, лекин аввал илгариги сафар сиз айтган бир фикрга бир аниқлик киритишни истардим.

**С:** Марҳамат.

**И:** Сиз, ўзбекларнинг халқ сифатида шаклланиши IX—XI асрларда бошланган, улар XVI асрга келгандагина тарих саҳнига чиққанлар деган эдингиз. Суҳбатимиздан сўнг мен бошқа нуқтаи-назар билан танишдим. Кўп фанларнинг энг янги маълумотларини умумлаштириб айрим олимлар, ўзбек халқининг асосий хусусиятлари шаклланиши VIII—IX асрларда юз берган, кейинчалик ўзбек номини олган туркий тилда гаплашувчи халқлар IX—XII асрлардаёқ вужудга келган деб асослайдилар. Бу ҳақда сиз нима дейсиз?

**С:** Бу фикрларни ҳисобга оламан. Бироқ, бизнинг суҳбатимиз учун Ўрта Осиё территориясида исломнинг тарқалиши кейинчалик ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар ва қорақалпоқлар номини олган халқларнинг бу ерда узил-кесил шаклланишигача юз берганлигини ҳисобга олиш муҳимдир.

Аввалги суҳбатимизни биз нима учун аждодларимиз ўз динларидан қайтиб, исломни қабул қилганликлари ва ислом ўзи қандай пайдо бўлганлиги ҳақидаги савол билан тугатган эдик. Мен аввал саволнинг иккинчи қисмига жавоб беришни таклиф қиламан. Шунда унинг биринчи қисмини тушуниш осон бўлади.

**И:** Майли, гапни Муҳаммаддан, ислом динининг пайғамбаридан бошланг. Зотан, тарихда исломнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва қарор топиши унинг номи билан боғланган. Шундай эмасми?

**С:** Исломнинг пайдо бўлиши, албатта, Муҳаммад билан боғланган, лекин бу ҳодисанинг пайдо бўлишини фақат унинг фаолияти билангина боғлаш нотўғри. Бошқа бирмунча муҳимроқ сабаблар ҳам бор эди. Улар ҳақида ҳам биз гаплашамиз. Агар сиз қарши бўлмасангиз ислом қаерда, қайси халқ орасида келиб чиққанлиги ҳақида сўз юритиб, кейин унинг тарқалиш сабабларини кўриб чиқамиз.

**И:** Масаладан четлашишнинг сабаби нимада?

**С:** Четга чиқиш эмас, чуқурроқ тушуниш учун шундай қиламиз. Эсингизда бўлса, мен ҳар қандай дин ўзига сиғинувчиларнинг реал ҳаёт шароитларини, уларнинг яхшилик ва ёмонликни қандай тушунишини акс эттиради, деб айтган эдим. Ислом пайдо бўлган муҳитни тушуниш унинг тарихий ва ҳозирги аҳволини англаб етишга, диний таълимотнинг моҳиятини чуқурроқ билиб олишга ёрдам беради.

**И:** Сиз яна илмий томонга кетиб қоляпсиз.

**С:** Илмий томонга кетишнинг фойдасига ўзингиз яна бир бор иқрор бўласиз. Ҳозирча эса мен сизга ислом қаердан пайдо бўлган деган саволни бераман.

**И:** Бу жуда жўн савол. Арабистонда пайдо бўлган-да.

**С:** Аниқроқ айтадиган бўлсакчи?

**И:** Арабистоннинг ғарбий қисми — Ҳижозда. Бу ерда қадимдан мавжуд бўлган Макка ва Мадина шаҳарларида. Макка жуда қадимий шаҳар — айрим тарихчилар у эрамизгача V асрдаёқ мавжуд эди деб ҳисоблайдилар. Мадина эса исломгача Ясриб деб аталган. Ислом пайдо бўлаётган даврдагина бу шаҳар Ал-Мадина (арабча Мадина ан-набий деган сўзнинг қисқартирилгани) — «пайғамбар шаҳри» деб атала бошлаган. Араблардан ташқари бу шаҳарларда бошқа халқларнинг айрим вакиллари ҳам яшаганлар, улар орасида христианлик ва яҳудийликка эргашувчилар ҳам учрарди.

**С:** Арабларнинг орасида ҳам ана шу иккита динга сиғинувчилар бўлган эди ва ҳозир ҳам бор.

**И:** Биламан. Кўпчилик араблар ўша вақтда одамлар билан ҳайвонлар, ўсимликлар ўртасида қондошлик алоқалари бор деб ишонардилар. Ҳўш, диннинг бундай формаси нима деб аталарди.

**С:** Тотемизм.

**И:** Шунинг учун сиғиниш объекти, тотемни қадимий араблар ўз руҳ ёки қабиларининг ўтмишдошлари деб ҳисобланган. Кўпчилик араб қабилаларининг номлари ана шундан келиб чиққан: асад — шер, келб — ит, бакр — бўталоқ, салаб — тулки, саур — ҳўкиз, дубб — айиқ, зиб — бўри ва бошқалар. У ё бу кучли тотем ҳайвон, айтайлик туздаги мавжуд кучга эга бўлиш учун ҳамма оила аъзолари уни ейишган.

**С:** Қадимий араблар орасида бутпарастлик ҳам бўлган. Ҳар бир қабила ўзининг илоҳий бутига эга эди. У ёғоч, тошдан ўйиб ишланган ёки лойдан ясалган буюм бўлиб, улар учун худо, руҳ вазифасини ўтаган. Бизгача етиб келган маълумотларга кўра бутпарастлик анчайин кенг тарқалган — худолар бир неча юзлаб бўлган. Бу худочаларга ҳайвонларни қурбон қилганлар.

**И:** Қадимий араблар жинларга ишонганлар деб ўқиган эдим, жинлар гўё тутунсиз олов ва ҳаводан яратилган бўлиб, кимсасиз саҳрода яшар эмиш. Уларнинг таассуридa бу жинлар ақлли мавжудотлар бўлиб, улар одамларда бор ҳамма нарсаларга эга бўлганлар. Ҳатто жинлар билан алоқа қилган кишиларда фарзанд пайдо бўлади, у ғайри табиий бўлади, жуда катта жисмоний ва ақлий фазилатларга эга бўлади деб ҳисобланган.

**С:** Биз арабларнинг исломгача бўлган динлари ҳақидаги билимларимиз хусусида бир-биримиз билан баҳслашаётганга ўхшаймиз.

**И:** У динлар фақат мутахассисларгагина маълум, деб ўйламанг. Улар ҳақида ҳам, исломгача араблар турли метеорит ва вулқондан ҳосил бўлган тошларга сиғинганлиги тўғрисида ҳам кўп нарсалар ёзилган.

**С:** Араблар зардуштийликка ҳам ётсираб қарамаганлар. Арабистоннинг турли жойларида зардуштийликка сиғинувчилар — форслар (маъжусийлар) яшаган эди. Зардуштийлик исломгача Арабистоннинг жанубида ҳатто ҳукмронлик ҳам қилган.

**И:** Суҳбатимиз қизиқарли бўляпти. Бундан чиқди, қадимий араблар ўрта Осиёда ислом тарқагунча бу ердаги халқлар эътиқод қилган динларга ишонган эканларда. Лекин буларнинг ҳаммасининг исломга, унинг пайдо бўлиши ва тарқалишига нима даҳли бор.

**С:** Шошилманг, исломда арабларнинг ва Ўрта Осиё халқларининг исломгача бўлган динларидан кўп нарса бор эди, ҳозирги вақтда ҳам бор. Айниқса, бу турмушда кўп учрайди. Бу руҳлар ва жинларга ишониш, иссиқ-совуқ қилиш, ёмон кўзларга ишониш, бундан сақланиш учун тумор тақиш, кўп ҳолларда олов, сув ва ҳоказоларга сиғиниш — буларни санайвериб тугатиб бўлмайди. Исломгача бўлган динлар исломга оид тегишли тарзда яшаб, исломнинг ўзи қарор топиши учун муайян таъсир кўрсатди. Улар бугунги кунда ҳам диннинг сақланиб қолиши, у билан боғлиқ урф-одат ва ақидалар ўзгармаётганлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

**И:** Лекин бу ерда яҳудийлик ва христианликнинг нима алоқаси бор? Наҳотки улар ҳам исломга таъсир қилган бўлсалар?

**С:** Тарихий ҳақиқатга қараш керак: ислом яҳудийлик ва христианлик билан жуда кўп умумийликка эга. Уларнинг муқаддас китоблари (Қуръон ва Библия)даги таълимотлар кўп жиҳатдан ўхшайди. Чунончи, худо тўғрисида, дунё ва одамнинг яратилиши, Одамато ва Момоҳавонинг тақдири, Муҳаммаднинг пайғамбарлиги, Библияда учрайдиган шахсларнинг (Адам — арабча Одамато, Ной — Нух, Авраам — Иброҳим, Моисей — Мусо, Иисус Христ — Исал-Масих, яъни Мессия) олий пайғамбарлар деб тан олиниши ва бошқа жуда кўп масалаларда ўхшашлик бор. Исломда Христга сиғиниш анчайин сезиларли ўринни эгаллайди. Ислом Иисус (Исо)нинг Марияндан ҳаром йўл билан яралганлигини тан олади ва Қуръонда бу ҳақдаги ривоят евангелия ривоятлари билан кўп умумийликка эга. Ислом бўйича Муҳаммад — Параклетнинг ўзи, унинг пайдо бўлишини Иисус Христос башорат қилади (евангелияда Иоанндан пайдо бўлиши).

**И:** Бундан чиқди, ислом яҳудийлик ва христианликдан ўз таълимоти, урф-одатларини олган экан-да?

**С:** Аввало яҳудийликдан олган. Зотан христианликнинг ўзи бир вақтлар яҳудийлик асосида пайдо бўлган, кейин мустақил динга айланган.

**И:** Сизнинг айтганингизча бўлақолсин.

**С:** Киноя қилманг, мен қатъий илмий асосда гапиряпман.

**И:** Ҳаддан ташқари илмийлаштириб юбордингиз.

**С:** Наилож, ҳамма вақт ҳам фикрни оддий қилиб тушунтириш қийин.

**И:** Давом этинг, тушуниб оламан.

**С:** Ф. Энгельс Библияни таърифлаб, у қадимий араб диний ва қабила анъаналари ёзувларидан ташкил топган, деб ёзган эди.

**И:** Шошманг, фикрим чигаллашиб кетди. Сиз араблар пайдо бўлган Қуръон Библиядан кўп нарсаларни олган дединг-ку. Маълумки, Библия арабларда ислом пайдо бўлишидан анча илгари пайдо бўлган. Энди бўлса Энгельснинг Библия арабларники, деган сўзини келтиряпсиз...

**С:** Бу ерда бир-бирини инкор қиладиган ҳеч қандай фикр йўқ. Ҳаммаси оддий: қадимий яҳудийлар ва араблар узоқ ўтмишда қондош қабилалар бўлган, умумий ўтмишга эга бўлиб, бир территорияда яшаганлар. Узоқ вақт ёнма-ён яшаб, бир хил иқтисодий-маданий ва табиий шарт-шароитларда кун кечириб, улар табиийки, умумий диний тасаввурларга ҳам эга эдилар. Бу тасаввурлар яҳудийликка кирган, ундан христианликка ўтган, улар вақт нуқтаи-назаридан исломдан анча илгари пайдо бўлган.

**И:** Юқорида айтилганлардан қандай хулоса чиқади?

**С:** Динларнинг бир-биридан олганликлари тўғрисида эмас, тарихан изоҳлаб бериш мумкин бўлган ўхшашликлар тўғрисида кўпроқ гапириш керак. Яҳудийлик ва христианликнинг ислом қарор топишига бевосита таъсир қилганлигини инкор этмаслик ҳам керак. Бу масалага ҳам ҳали яна қайтамиз. Ўшанда арабларнинг қадимий динларининг исломга таъсири тўғрисида ҳам тўхталиб ўтамиз.

**И:** Яхши, лекин менга бир нарса муаммо бўлиб турибди: арабларни ўзларининг динлари нима учун қониқтирмаган, нечун улар агар ҳозирги ибора билан айтадиган бўлсак, янги динни излашга тушганлар?

**С:** Саволингизга савол билан жавоб бераман: исломгача араблар ҳаётининг социал-иқтисодий шарт-шароитлари қандай бўлган эди?

**И:** Улар ибтидоий тузум шароитида яшагандилар, уруғ ва қабила муносабатлари ҳукмронлик қилган эди. Лекин бунинг нима алоқаси бор?

**С:** Алоқаси кўп. Аввало деҳқончилик қилинган ерлар, яйловлар, қудуқлар, сув ҳавзалари, моллар ҳаммага тегишли бўлиб, алоҳида одамники ҳисобланмасди. Мавжуд мулкка биргалашиб эгалик қилишарди, ҳаммалари бир-бирлари билан тенг эдилар, ҳар кимнинг қилган ишлари учун бутун уруғ жавоб берарди. Уруғга катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, довюраклиги билан ажралиб турадиган кишилар раҳбарлик қилар, улар бойлигига қараб эмас, шахсий фазилати туфайли раҳбарлик қилишарди. Бошчилик қилиш одамларга уруғ аймоқлари олдида ҳурмат ва обрў келтирар, лекин бойлик келтирмас ва бошқалар меҳнати натижасини ўзлаштириш ҳуқуқини бермасди, яъни бошқалар олдида имтиёз ва устунликдан фойдаланувчи одамлар йўқ эди. Арабларнинг кўп ҳудолилиги ҳам ана шундай муносабатларга мувофиқ келарди.

**И:** Мувофиқ келарди деганингизни қандай тушуниш керак?

**С:** Бу оддий нарса. Илк уруғ тузуми пайтида, мен худди ана шу давр тўғрисида гапиряпман, арабларнинг ижтимоий ҳаётдаги реал тенглиги динда ҳам ўз ифодасини топган эди. Диний маросимларни бажаришда уруғнинг ҳамма аъзолари қатнашарди. Албатта, коҳинлар, дуохонлар, сеҳргарлар бор эди, лекин улар ҳам динга ишонувчи оммадан ҳали ажралиб кетмаган, ҳамма учун умумий бўлган ҳаёт тарзини бошдан кечирардилар. Динга хизмат қилиш шу тарзда ҳали касбга айланмаган эди. Инсон табиатнинг стихияли кучлари олдида ўз ожизлигини сезиб турар, ижтимоий муносабатларда эса четдан куч аралашишини тақозо этадиган ҳали ҳеч қандай ҳолат вужудга келмаганди. Одамлар тенглиги шароитида худолар ҳам бир хилда эди, улардан асосийсини ажратиш зарурати йўқ эди. Худоларга одамларни табиатнинг номатлуб кучлари — қурғоқчилик, олов, ёввойи ҳайвонлар ва бошқалардан эҳтиёт қилиб сақлаш вазифаси қўйилган эди. Одамлар худолар ёрдамида табиатни раҳмдил бўлишга, худолар орқали уларга таъсир кўрсатишга — ов ўнгидан келиши, ёмғир ёғиши, касалликлардан фориғ бўлиш ва ҳоказоларни сўрарди. Қисқаси, инсон ҳаёти шароитининг ўзи қандайдир ибтидоий изга солинган таълимотни — идеологияни ҳали талаб қилмасди. Динлар ҳам ҳаётнинг ўзи каби оддий эди.

**И:** Бу гапингиздан ислом пайдо бўлиши вақтига келиб арабларнинг ҳаёт шароити ўзгарди демоқчисиз шекилли?

**С:** Худди шундай демоқчиман. Эрамизнинг VII асри бошига келиб араб жамоаси катта ўзгаришларга дуч келди. Уруғ-қабила муносабатлари бу вақтга келиб йўқола бошлади. Одамлар тенгсизлиги пайдо бўлди. Халқ бу ўзгаришларни тушунтириб беришга, вужудга келган тенгсизликни изоҳлашга қодир бўлган, ижтимоий ҳаётдаги зиддиятларни ҳал этиб бера оладиган идеологияга эҳтиёж сеза бошлади. Ислом ана шундай идеология бўлиб чиқди. Бу ҳақда келгуси суҳбатимизда тўхталамиз.

## ҒЎЗА ОЗИҚЛАНТИРИЛЯПТИ

БЎКА РАЙОНИДАГИ «Партия XIX съезди» колхозининг Буолча Жуманова етакчилик қилаётган бригада аъзолари 100 гектар майдонга барака уруғи қадаган эдилар. Коллектив карталарда тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш учун барча агротехника тадбирларини маромида ўтказди.

Ҳозирги кунларда бригада далаларида ғўзани яганалаш ниҳоясига етди. Тажрибали сувчилар В. Дўлтаев, Т. Эргашев, М. Тожибоевлар эса чанқаган майдонларга дастлабки сув қуйишни бошлаб юбордилар. Улар ниҳолларни захлатмасдан, оби-тобида суғоришга катта эътибор беришяпти.

Механизаторлар Ф. Ҳайдаров, С. Омонбоевлар иккинчи культивацияни минерал ўғитлар солиш билан бирга ўтказмоқдалар.

Бригада аъзолари мавжуд майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 28,7 центнер ўрнига 32 центнердан пахта етиштириш учун дала ишларини жадал олиб боришмоқда.

А. ЭГАМОВ.

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР ●

## АДР. ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

КОБУЛ, 26 май. (ТАСС). «Ҳақиқате инқилобе Саур» газетаси АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, АДР ички ишлар министри С. М. Гулабзойнинг бошланғич партия ташкилотлари савол ларига жавобларини босиб чиқарди.

Ички ишлар министрлигининг ходимлари, Царандой (халқ милицияси) жангчилари революция ғалабаларини афғон халқи душманларининг кирдикорларидан ҳимоя қилиш борасида муҳим вазифаларни бажармоқдалар, миллий яраш жараёнига муносиб ҳисса қўшмоқдалар, деди министр. Халқ милицияси жангчилари жанговар вазифаларни бажаришдан ташқари душманлар вайрон қилган мачитлар, мактаблар, касалхоналарни қайта тиклашда, йўлларни ремонт қилишда маҳаллий аҳолига ёрдам бермоқдалар, аксилинқилобчиларнинг жабрзулмидан азият чеккан оилаларга моддий ва молиявий ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этмоқдалар.

АДР ички ишлар министрлиги, деб давом қилди С. М. Гулабзой, контрабандистларга, растратачилар ва порахўрларга қарши муросасиз кураш олиб бормоқда.

Ички ишлар министрлигининг ходимлари, Царандой жангчилари, деб таъкидлади С. М. Гулабзой, афғон халқи ғалабалари посбонлигида турибдилар. Улар афғон халқи душманларининг мамлакатда содир бўлаётган илғор ўзгартишлар жараёнига путур етказишларига ҳеч қачон йўл қўймайдилар.

## *СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ САНЪАТИ*

НИКОСИЯ, 26 май. (ТАСС). Бу ердаги совет маданияти марказида Ўзбекистон ССР халқ амалий безак санъати кўргазмаси очилди. Кўргазмада сопол, ёғоч, бронзадан ишланган буюмлар, гиламлар, кашталар, мусика асбоблари кўплаб намойиш этилмоқда.

Кипр-Совет дўстлик ва маданий алоқалар жамиятининг президенти П. Талиадорос кўргазмани оча туриб, бу кўргазма Кипр жамоатчилигига Совет Ўзбекистонининг маданий турмуши билан яхшироқ танишиб олишга имкон беришини, Кипр билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга кўмаклашишини таъкидлади.

## ЖАЗОИР ВА МАРОКАШ ҲАРБИЙ АСИРЛАРНИ АЙРИБОШЛАШДИ


ЖАЗОИР, 26 май. (ТАСС). АПС агентлигининг хабар қилишича, Жазоир билан Марокаш ўртасидаги Зуж-Руд чегара пунктида Марокаш ҳарбий хизматчиларидан 150 киши қайтариб берилди. Улар Жазоир ҳукуматининг шу йил 23 майдаги қарорига биноан озод қилиндилар. Ана шу ҳарбий хизматчилар кейинги йилларда чегарадаги можаролар вақтида асир олинган эди.

Айни вақтда, ЖХДР миллий халқ армиясининг Марокаш озод қилган 102 нафар ҳарбий хизматчиси Жазоир томонига қайтарилди. Агентликнинг уқтиришича, Жазоир солдатлари 1976 йилнинг 29 январида Ғарбий Саҳрои Кабир территориясидаги Амгала аҳоли пункти районида асирга олинган эдилар. Улар ана шу районга «гуманитар вазифа билан» боришган эди.

Шу йил 4 майда олий даражадаги Жазоир—Марокаш — Саудия учрашуви чоғида эришилган аҳдлашув натижасида ҳарбий асирлар айрибошланди.

### ХИТОЙДА ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНГАН БИРИНЧИ ВОКЗАЛ

ПЕКИН, 26 май. (ТАСС). Бу ерда 1 июндан бошлаб Хитой пойтахтининг марказий темирйўл вокзалида чекишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу вокзал барча хизмат хоналарида ва пассажирлар учун кутиш залларида чекиш расмий равишда тақиқланган ХХРдаги биринчи вокзал бўлади.



● ЧЕХОСЛОВАКИЯ станокларига дунё бозорида харидорлар йил сайини кўпайиб бормоқда. Бу беш йилликда рақамли программа билан бошқариладиган янги турдаги станокларни ўзлаштириш мўлжалланган. Суратда: Прагадаги ТОС-Гостиварж заводи цехида юқори сифатли силлиқловчи станок тайёрланмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

## САБАБЧИ — АҚШ

● МАНАГУА. АҚШнинг Никарагуага қарши жнояткорона агрессияси республика бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликларнинг бош сабабидир, деди Никарагуа қишлоқ хўжалик тараққиёти ва аграр ислоҳот министри Хайме Уилок. Никарагуанинг Нуэва ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда у Никарагуа ҳукумати революция ишончли тарзда ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида миллий бюджетнинг ярмига яқинини мудофаа эҳтиёжларига сарфлашга мажбурдир, деди. Ярим миллиондан кўпроқ никарагуалик Америка империализми ва унинг гумашталари ҳужумидан республика мустақиллигини ҳимоя қилиш учун қўлига қуролни олиб, иш жойларини тарк этди. 250 мингга яқин деҳқон сомосачи тўдаларнинг ҳужумлари бўлиб турган хавфли зоналардан кўчирилди. Давлат қочоқларга қўлидан келганча моддий ёрдам бермоқда. Шундай шароитда Никарагуа иқтисодий ўсишга кўз тута олмайди. Аммо республика ҳукумати 1987 йилда мамлакатдаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш чораларини кўрмоқда, деб таъкидлади Хайме Уилок.

(ТАСС).

## ҚОЧОҚЛАР ЯҲДРга ҚАЙТИБ КЕЛИШМОҚДА

АДАН, 26 май. (ТАСС). ЯҲДРда 1986 йил январь воқеаларидан кейин чет элларга бориб қолган кишиларнинг яна бир гуруппаси икки кун илгари ватанига қайтиб келди.

Қочоқлар Шабва вилоятидаги Арма районига келдилар. Бу ерда уларни Яман Социалистик партияси район ташкилотининг секретари О. С. Мохэйрас бошчилигидаги маҳаллий ҳокимият вакиллари кутиб олдилар. Партия ва давлат қайтиб келган кишиларга уларнинг барча ҳуқуқларини гарантиялайдилар, деди О. С. Мохэйрас. У январь воқеаларидан кейин ҳали ҳам мамлакатдан ташқарида қолаётган кишиларга яна мурожаат этиб, уларни ялпи авф тўғрисидаги қонундан фойдаланишга, ватанга қайтиб келишга ва янги жамият барпо этиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишга даъват қилди.

[1-мулоқот «Тошкент ҳақиқати»нинг 22 май сонида берилган].

## БУГУН — ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ



Қизил Байроқли Шимолий-Ғарбий чегара округининг чегарачилар авиация қисми жангчилари ўз байрамлари — Чегарачилар куни хизматдаги жанговар ва сиёсий тайёргарлик соҳасида эришган қатор ютуқлари билан кутиб олишмоқда.

Суратда: чегарачилар авиация қисмининг моҳир жангчилари кичик сержантлар В. Сухачев, Ю. Пискарев, сержантлар Д. Московцев, С. Горчев, кичик сержант А. Пишченок ҳамда ефрейтор П. Дюсмечев.

С. Мастерман фотоси. ТАСС фотохроникаси.

*«Офицерлик — қаҳрамонона касб» ҳафталиги давом этмоқда*

# ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИГА...

ВАҚТ алламаҳал бўлиб қолганига қарамай район ҳарбий комиссариати биноси одамлар билан гавжум. Эшикдан кираверишда ўтирган навбатчи офицердан ҳарбий билим юртларига кириш учун ариза бераётган йигитлар билан ким шуғулланишини сўрадик.

— Капитан Абдуллаев, 23-хона,— жавоб берди у.

— Ҳозир ўзи шу ердами?

— Албатта, у тун қоронғусигача шу ерда бўлади...

Коридор бўйлаб бораркамиз хоналарни йиғиштириб, супуриб-сидираётган фаррош аёлга кўзимиз тушди. Демак бу ерда аллақачон иш куни тугаган. Аммо хоналардаги ходимларнинг барчаси ўз ўринларида, юмуш билан банд эди. Бу эса ҳарбий комиссариатда шу кечакундузда иш жуда ҳам қизғинлигидан далолат берарди.

Капитан Абдуллаевни қандайдир ҳужжатлар билан танишиб ўтирган ҳолда учратдик. Салом-аликдан сўнг республикамизда ўтказилаётга «Офицерлик — қаҳрамонона касб» ҳафталиги ва умуман район ҳарбий комиссариати чақириқ ёшидаги йигитларни ҳарбий билим юртларига жалб этиш борасида қандай ишлар олиб бораётганлиги хусусида сўрадик.

— Очиғини айтганда,— деди Ҳ. Абдуллаев,— биз ушбу ҳафталик доирасида амалга ошириладиган лозим бўлган тадбирларни 1 апрелданоқ бошлаб юборган эдик. Чақириқ ёшдаги йигитларни ҳарбий комиссариатга чақириб, улар билан махсус суҳбатлар ўтказяпмиз, уларга офицерлик касби ҳақида ҳикоя қилиб, турли мутахассисликлар бўйича офицер кадрлар ҳозирловчи ҳарбий билим юртларига таклиф этяпмиз. Бундан ташқари мазкур билим юртларининг вакиллари биз тавсия этган мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумларда бўлиб, ўқувчилар ҳамда талабалар орасида ўзлари ўқитадиган ҳарбий ихтисосликлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Қуйбишев район ҳарбий комиссариати ташаббуси билан ўтказилаётган бу тадбирлар яхши самаралар бермоқда. Шу кунгача мамлакатимиздаги турли ҳарбий билим юртларига ўқишга юборишни сўраб ариза ёзган район ёшлари сони 140 тага етди. Шулардан 80 таси 10-синфни тугатган йигитлардир. Ариза берганлар орасида маълум ҳаёт сабоғини ўтаган ёшлар ҳам кўплиги кишини қувонтиради. Масалан, Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган Тимур Багиров, ишлаб чиқаришда маълум тажриба орттирган Игорь Мордовин, Сергей Сиваков каби ёшлардан ҳақиқий офицерлар етишиб чиқишига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Ўз келажагини офицерлик касби билан боғлашга аҳд қилган йигитлар орасида Герман Игуменов, Андрей Вениченко, Геннадий Чевардин каби ўрта ҳунар-техника билим юртини тугаллаган ёки унда таҳсил кўраётган ёшлар, Илья Ламбров, Владимир Пименов, Константин Бандин. Андрей Кравченко сингари техникум ва институт талабалари ҳам бор. Улар ҳам ҳарбий билим юртларида бемалол ўқий олишларига, курсантлик ҳаётига тез қўникиб кетишларига ишонамиз.

...Хуллас, Куйбишев район ҳарбий комиссариати, чақириқ ёшидаги йигитларни мамлакатимиз ҳарбий билим юртларига жалб этиш борасида талайгина ишларни амалга ошираётганининг шоҳиди бўлдик. Айниқса, Афғонистонда ўз интернационал бурчини адо этиб, душманларга қарши жангда оғир яраланган, матонати учун Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган, узоқ вақт даволанишдан сўнг яна ҳарбий хизматга қайтган қаҳрамон офицер Ҳамидулла Абдуллаевнинг ўзи бу ишга бошқош эканлиги бизни янада қувонтирди. Зеро, унинг ўттиз йиллик умрининг ўзиёқ кўплар учун ибратлидир. Ҳар қалай ҳарбий билим юртларига йўл олаётган ёшлар ундан кўп нарса ўрганса лар арзийди.

Капитан Ҳ. Абдуллаев биз билан хайрлашиб, яна ишга «шўнғиб» кетди. Эртага комиссариатга чақириладиган йигитларнинг ҳужжатларини ўрганишда давом этди...

У. АБДУШОҲИДОВ.

СЎЗ — МЕҲМОНЛАРГА

# Ўлкангиз мафтуниман

**Ларисса РУМАРЧУК, шоира ва прозаик (Москва).**

— БИР НЕЧА шеърий ва насрий китобларнинг муаллифи сифатида муайян тажрибага эга бўлсам-да, ҳамиша одамлар орасида бўлишга, ҳаётни чуқурроқ ўрганиш мақсадида тез-тез ижодий сафарларга чиқиб туришга ҳаракат қиламан. Шу боисдан ҳам мени Ўрта Осиё халқларининг асрлар мобайнида ривожланган маданияти, ўзига хос характери ва урф-одатлари, бу саҳоватли ўлканинг гоят бой табиати ўзига мафтун қилади. Яқиндагина «Современник» нашриётида босмадан чиққан янги китобимдаги «Ona-сингиллар» ҳикоямнинг қаҳрамонларидан бири тошкентлик бўлиб, у ўзи истиқомат қилаётган шаҳар ҳақида тўлқинланиб сўзлайди.

Узбекистон пойтахтига илк бор бундан уч-тўрт йил олдин келиб, шаҳар билан яқиндан танишиш бахтига мушарраф бўлган эдим. Айниқса, менга Тошкент кўча ва майдонларнинг сердарахтлиги, кўкаламзорлиги, фавворалар ва бошқа сув ҳавзаларига гоят бойлиги билан ёқди. Миллий меъморчилик анъаналари замонавий архитектура ютуқлари билан уйғунлашиб кетганлиги шаҳарнинг ўзига хос қиёфасини белгилайди, деб ўйлайман.

Куни кеча Ангрен шаҳри атрофидаги пионерлар лагерида бўлдим. Ўзбек адибаларидан Г. Нуруллаева ва Ш. Исаханова билан дўстлашдим. Улар орқали эса марҳум шоира С. Зуннунова шеъриятининг жозибасидан баҳраманд бўлдим ва айрим шеърларини таржима қилишга киришдим. Уйлайманки, у рус китобхонларининг ҳам эътиборини тортади, бу дўстона ижодий алоқаларимиз ўзининг самарасини беради. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда ўтаётган кўп миллатли совет адабиётининг байрами мамлакатимизнинг турли тилларида ижод қилувчи адибларни эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, уларни халқ ҳаёти ҳаққоний ифодаланган, ғоявий-бадиий жиҳатдан баркамол асарлар яратишга илҳомлантиради, деган фикрдаман...

● **ЎЗБЕКИСТОНДА** ўтказилаётган совет адабиёти кунларида мамлакатимизнинг турли чеккаларидан келган ижодкорлар иштирок этишмоқда. Адиблар корхоналар, колхоз ва совхозлар ҳаёти билан танишиш билан бир қаторда китобхонлар ҳамда ҳамкасб дўстлари билан ҳам мулоқотда бўлишмоқда. Суратда: қаламкаш дўстлар — [чапдан] Исфандиёр, Н. Годин [Челябинск], И. Яган [Курган], Ҳ. Шайхов, Ш. Холмирзаев, С. Анорбоев ва М. Хидир.

Ҳ. Солиҳов фотоси.



*ЯНГИ ШЕЪРЛАР*

## ЯШАСИН, ҚУЛСИН ЖАҲОН

Кўрмасин асло завол, бўстон бўлиб қолсин жаҳон,
Тинч-омонликлар билан ҳар дамда юксалсин жаҳон,
Ким ёмонлик истаса нафрат-ла кўзғолсин жаҳон,
Соф ният бирла ҳамиша яшнасин, қулсин жаҳон,
Яхшиларнинг бир буюк тўйхонаси бўлсин жаҳон.
Лолалар ял-ял ёниб турсин ҳамиша тоғида,
Қанчалар завқу сафо бор ям-яшил япроғида,
Бу ҳаёт завқи билан илҳом жўш урган чоғида,
Яхшиларни мақтабон сайраб замона боғида,
Гул-чечаклар рақсидан мингбора ўргилсин жаҳон.
Яхшиликни ўйласанг ғафлатдаги кўзни очар,
Шунда кўз офтобга монандлиқ қилиб нурлар сочар,
Уйламанг ғамни, азизлар, ғам уйнни ғам очар,
Қайда бўлса шоди-хуррамлик ғаму андуҳ қочар,
Чеҳрамиз гулдай очилсин, нур бирла тўлсин жаҳон.
Яхшидикни ўйла, Усмон, яхши йўлдан эт давом,
Яхшилик қилма ёмонга, яхшига қил эҳтиром,
Шеър дарди бирла отган яхши тонгга ассалом,
Яхшиларга яхшилар жонни фидо қилгай мудом
Яхшиларнинг хизматин доим бажо қилсин жаҳон.

## НОН АЗИЗ

Дўстларим, олтин-кумуш ҳеч бўлмагай дондай азиз,
Донни бунёд этди деҳқон, борми деҳқондай азиз.
Дон демак — бу нон демак, нондир менга жондай азиз,
Нонни ким қилса азиз, бўлгай ўзи нондай азиз.
Ноз-неъматлараро аъло шу нондан ўргилай,
Ноң билан кўркам эрур дунё, шу нондан ўргилай,
Бизни зор-зор этмасин асло, шу нондан ўргилай,
Нонни ким қилса азиз, бўлгай ўзи нондай азиз.
Нонни хор этган кишилар бир куни хор бўлгуси,
Оҳ, нон, деб нола айлаб, гардига зор бўлгуси.
Боши гир-гир айланиб, бу кенг жаҳон тор бўлгуси.
Нонни ким қилса азиз, бўлгай ўзи нондай азиз
Нонни эъзоз айла, Усмон, нон билан бордир ҳаёт,
Яхши хулқинг бирла сен қолдир жаҳонда яхши от,
Кимки тўқлик шукрини қилмас экан, унга уёт,
Нонни ким қилса азиз, бўлгай ўзи нондай азиз.

Усмон ЮСУПОВ.

ШИФОКОРЛАР КЎРИК-КОНКУРСИ

# ЯДРОСИЗ ДУНЁ УЧУН

Жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ишига шифокорлар қўшаётган ҳисса муносиб бўлмоқда. Областимиз медицина ходимлари орасида ўз маошининг маълум қисмини тинчлик фондига ўтказаётган нажоткорлар ҳам анчагина. Бир қатор даволаш муассасаларида «Шифокорлар ядросиз дунё учун» кечалари уюштирилмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Янгийўл шаҳар маданият уйида бўлиб ўтди.

Байрамона безатилган зал, сариқ, ҳаворанг байроқчалар, оппоқ кабутарлар, турналар макетларини кўтариб олган, кўксиларида орден ва медаллар ярқираб турган уруш ва меҳнат ветеранлари, ёшлар, ўқувчилар билан тўлган. Бугун бу ерда Янгийўл район соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда шаҳарда жойлашган «Санатория» шифокорларининг «Ядросиз дунё учун» баҳс-конкурси бўлади. «Санатория» командаси тинчлик шарафига ёқилган машъалани баланд кўтарган ҳолда кўрикни бошлаб берди.

Дастлаб ҳар иккала командалар сиёсий билимларининг қай даражада етуклиги, амалий ишлари, тиббий билимлари бўйича имтиҳондан ўтдилар. Сўзлар ва ҳаракатларнинг ҳаммаси инсониятга тинчлик нақадар зарурлигини намойиш этишга қаратилди. Урушни лаънатловчи, тинчликни мадҳ этувчи жарангдор шеърлар, қўшиқлар, янгроқ музика садолари қалбларда ажиб ҳаяжон уйғотди:

Қуёшли олам яшасин, яшнасин ва абад қолсин.

Ядро портлашлари йўқолсин, йўқолсин ва йўқолсин!

Турли саволларга жавоб беришда «Санатория» командаси бир мунча устун келиб ғолибликни қўлга киритди. Кўрик-конкурсда муваффақиятга эришган шифокорлар ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Г. МАМБЕТОВА.



● СУРАТДА: командалар баҳс пайтида.

Р. Галиев фотоси.

*Спорт*

### СЎНГГИ ТУРДА ТЎРТ ҒАЛАБА

● **ҚЎЛ тўпи бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Текстильщик» командаси сўнгги тур ўйинларини Таллин шаҳрида ўтказди. Бу учрашувлар тошкентликларнинг чемпионатдаги пировард эгаллайдиган натижаларига сўзсиз катта таъсир кўрсатар эди. Шунинг учун ҳам командамиз ўйинларни кўтаринки рухда ўтказиб «Экономист» командасини 33:32, «Арагац» клубини 37:27, «Микрон» спортчиларини 26:18 ва «Калининец» командасини 29:22 ҳисобида мағлубиятга учратиб «Птицефабрика» гандболчилари билан 27:27 ҳисобида дуранг ўйнашди. Натижада 28 очко тўпланган гандболчиларимиз ўз группасида Ленинакан ва Таллин командалари билан 2—4 ўринларни бўлишиб олишди.**

### ТОШКЕНТЛИКЛАР БИРИНЧИ

● **РЕСПУБЛИКА** чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган командалар баҳси ниҳоясига етди. Ҳал қилувчи учрашувда Тошкентнинг Политехника институти ва Фарғонанинг «Нефтянник» командалари учрашдилар. Биринчи бўлимда фарғоналиклар 15:13 ҳисобида ғолиб келган бўлса, қолган уч партияда тошкентликлар 15:13, 15:9 ва 15:11 ҳисобларида устун келиб биринчи ўринни эгаллашди. Фарғоналиклар иккинчи, Самарқандниг «Кинап» командаси учинчи бўлди.

### СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНАДИ

● **ШАХМАТ** бўйича Азмиддин Хўжаев хотира-совғарини учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ турнирида совриндорлар охирги турда аниқланадиган бўлди. Якунловчи учрашувлар олдидан Е. Владимиров ва Г. Кузьминлар 10.5 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. А. Вайсер ва С. Макаричев ҳисобида 10 тадан очко бор.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

1987 ЙИЛ 1 КВАРТАЛИДА ОЛИНГАН БУЮРТМА ФИЛЬМЛАР РЎЙХАТИНИ

## МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«Ғаройиб дарахт» (тут дарахтлари селекция навларининг самарадорлиги).
«Ҳунар-техника таълими билим юртида Граждан мудофааси».
«ЧТСнинг автоматлашган ремонт бюроси».
«Автобус рулида».
«Граждан мудофааси тадбирларини техника жиҳатдан таъминлаш».
«Мева-сабзавот корхоналарида меҳнат муҳофазаси». II-бўлим.
«Чекишни қандай қилиб ташлаш мумкин?»
«СНАВР ўтказиш бўйича командирнинг ҳаракати».
«Автомобиллардан техникавий фойдаланиш».
«Рангли металлургияда автоклав — занглаш технологияси».
«Фан — табиат муҳофазасига».
«Граждан мудофааси нормативларини бажариш».
«Кам қувватли қатламлардан минглаб тонна кўмир».
«Поливинилхлорид трубаларидан ясалган босимли трубопроводлар қурилиши».
«Главюжуралстрой» корхоналарида шлак-ғовакли бетон».
«Северянка универсал станцияси».
«Южгидромаш» заводида янги технологик жараёнлар».
«Ғаллани ёнғиндан сақланг!»
«Чорвачилик биноларида микроиқлим».
«Машиналарга техника хизмати кўрсатиш ускуналари». Узум йиғадиган «СВК—3М» комбайни.
«Бинолар микроиқлим системаларида электр қувватини тежаш».
«Саноат қурилишида илмий-техника тараққиёти».
«Саноат объектлари қурилишини индустрлаштириш».
«Кабель қудуғида ишлаган вақтда эҳтиёт бўлинг».
«Қурилиш материаллари корхоналарида меҳнатни бригада усулида ташкил этиш».
«Тасмаларни аяманг».
«Гриппдан сақланинг!»
«Ҳамма учун диспансеризация».
«Қишлоқ фаровонлигига — барча ғамхўр».
«Беморни уйда боқиш».
«Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ялпи қирғин воситаларидан ҳимоя қилиш».
«Энергетика қурилиши учун янги машина ва механизмлар».
«Гидротехника иншоотларини тиклаш вақтида ишларни механизациялаш».
«Янги «СБ—145» бетон қориш қурилмаси».
«Пневмовакуумли балластли қурилмага эга бўлган янги муз майдончаси».
«Хавфли машқлар».
«Чекиш — ёнғин сабабчиси».
«Ҳаво алоқа йўллари агентлигида самолёт пассажирларига хизмат кўрсатиш технологияси».

Паррандачилик фабрикаларини реконструкциялаш учун асбоб-ускуналар комплекси».
«Проходкачилар тараққиёт йўлида».
«В УКП тозалаш комплектини қўлланиш тажрибаси».
«Назоратнинг селекцион методлари».
«Муқобил энергия ресурсларини утилизациялаш».
«Техникавий қайта қуролланиш самараси».
«ГТСнинг автоматлашган ремонт бюроси».
«Қозон агрегатларини ремонт қилиш вақтида хавфсизлик чоралари».
«Автоҳаваскорлар жамияти».
«Автодромда».
«Куйган вақтда биринчи медицина ёрдами».
«Шахта стволларини қуришда индустриал методлар».
«АСУПдан ремонт ишлаб чиқаришида фойдаланиш».
«Жиноят ва жазо».
«Кичик механизация воситаларини марказлашган тарзда ремонт қилиш».
«Энергетика тармоқлари корхоналарида иш ўринларини аттестациядан ўтказиш».
«Иссиқлик электр станцияларида иш ўринларини аттестациядан ўтказиш».
«Паст оборотда қудуқлар қазиш».

## «КИЕВ-35 А» — АВТОМАТИК ФОТОАППАРАТ

**Бу камбар плёнкали** (кадр формати 24х36 мм), **марказий тепкили аппаратдир.**

**У объективнинг очиқ туриш вақтини** 1/500 дан 4 **секундгача босқичсиз меъёрига етказади.**

**Фотоаппаратнинг оғирлиги атиги 200 грамм. Шу боисдан уни кўкрак чунтакда олиб юриш мумкин.**

**«КИЕВ-35А» барча фотоҳаваскорлар учун мўлжалланган.**

**Баҳоси — 85 сўм.**

**«Арсенал» заводи**

**«Реклама» марказий агентлиги**




**«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон реклама агентлиги.**

## ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ҲАР БИР РАЙОНИДА «ТЕХСЛОЖБИТПРИБОР» КОРХОНАЛАРИ ҲУЗУРИДА

**мураккаб рўзғор техникаси — холодильниклар, кир ювиш машиналари, пилесослар ва ҳоказолар;**
**аҳоли буюртмаларига кўра металл буюмлар тайёрлаш ва уларнинг ремонти бўйича**

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КООПЕРАТИВЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

**Кооперативга 17 ёшга тўлган ўқувчилар, студентлар, пенсионерлар, шунингдек иккинчи яна бир жойда ишлаш ҳоҳишини билдирган кишилар қабул қилинадилар.**

Мурожаат учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Пирмуҳамедов кўчаси, 2-уй.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «ТЕХСЛОЖБИТПРИБОР» САНОАТ БИРЛАШМАСИ.


Хатлар „ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" назоратида

# «МАРОМ БУЗИЛМАСИН»

**Газетанинг 1987 йил 10 мартдаги сонида босилган «Маром бузилмасин» сарлавҳали танқидий мақолага Тошкент область пассажирлар ташиш автомобиль ишлаб чиқариш трести бошқарувчисининг ўринбосари Т. Мирзабоев имзоси билан жавоб олинди. Унда бундай дейилади: «Мақола автомобиль трестининг барча коллективларида муҳокама қилинди, пассажир автотранспорти ишини янада такомиллаштириш, план топшириқларини бажариш, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу масала, шунингдек, трест Советининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди, унда автомобиль хўжаликларига пассажирлар ташиш ва даромадлар олиш планларини бажарилишини таъминлаш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.**

**Трест аппарати кучи билан жойларда маршрут транспорти ишини ташкил этиш, унинг, айниқса, қатор корхоналар ва ташкилотларга кечки сменалар ишчиларини ташиш учун етказиб берладиган транспорт воситалари сони кўпайтирилди. Область хўжаликларида ҳайдовчиларнинг меҳнатини ташкил этишнинг бригада формаси янада кенгаяди. Ҳозирги вақтда 50 та автобус маршрутига хизмат кўрсатаётган ва пассажирларнинг 28 процентини ташиб бераётган 42 та бригада шундай усулга ўтиб ишламоқда.**

**Автомобиль трести томонидан кўрилган тадбирлар натижасида шу йилнинг тўрт ойлик пассажирлар ташиш плани 101,8 процент қилиб бажарилди, ялпи даромад олиш планининг тўла бажарилиши таъминланди. Унинг ўсиш суръатларн ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 процентдан кўпроқни ташкил этди. Биринчи квартал планининг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам бажарилди.**

**Бироқ, шуни тан олиш керакки, ҳали икки автомобиль хўжалиги (мавжуд 16 тадан) ялпи даромадлар тушумини таъминламадилар. Бу Келес ва Калинин автотранспорт корхоналаридир. Шунингдек пассажирларга қўпол муомала қилиш, уларнинг ҳақига ҳиёнат қилиш ва пассажирларни билетсиз ташиш, маршрутларда автобуслар ҳаракати жадвали ва қатнов мароминнинг бузилиши каби ҳоллар ҳамон содир бўлмоқда.**

**Автомобиль трести маъмурияти ҳозирги вақтда шу масалаларни ҳал қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш устида ишламоқда, бунда қолоқ хўжаликларга, транспортдан фойдаланиш самарадорлиги ва пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.**

# «МИХЛИ ПАТИР»

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 16 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган хабарда Ўрта Чирчиқ район матлубот жамиятига қарашли Тўйтепа нон комбинатида тайёрланаётган маҳсулотлар сифатсизлиги танқид қилинган эди. Район матлубот жамиятининг раиси А. Ҳафизовдан олинган жавобда айтилишича, мақола нон комбинати ходимларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Нонининг айрим ҳолларда сифатсиз тайёрланаётганлиги тўғри деб топилган ва сифатни яхшилаш бўйича қатор тадбирлар белгиланган. Шунингдек, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйган мастер О. Меҳмонов ва ишчи Г. Собировларга хайфсан эълон қилинган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мақола муаллифи — райондаги 19-мактаб ўқитувчиси Б. Комилов 21 апрель куни сотиб олган патир нондан мих чиққанлигини ёзган эди. Бироқ, текширишда Б. Комилов на михни, на мих чиққан патирни кўрсата олган. Шу муносабат билан редакцияга танқидий хабар ёзаётган ўртоқлардан фактларнинг тўғри бўлишига, уларнинг баҳсли, нозиқ бўлмаслигига алоҳида эътибор беришларини сўраймиз.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент Ленинград кўчаси, 32


Р. — 08769. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. В. 1580. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12